

2021

“ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ЙИЛИ”

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSAN SEN

51-52  
(1473-1474)-sonlar  
31-dekabr  
2020

# Xabar

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz



УШБУ  
СОНДА:

**ЯНГИ ЎЗБЕКISTONДА  
ЭРКИН ВА ФАРОВОН  
ЯШАЙЛИК!**

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат  
Мирзиёевнинг Олий Мажлисига  
Мурожаатномаси **2-3-бетлар**

**ЙИЛ СУҲБАТИ**

Электрон ҳукумат: Сон эмас,  
сифат муҳим **6-7-бетлар**

**АЛОҶА ОЛАМИДА**

2020 йил техника оламида  
нималар ўзгарди? **13-бет**

**ЁШЛАР ФОРУМИ  
ҲАҚИДА УЙЛАР**

Ёшлар жамиятининг  
ўзаги ва безаги **16-бет**

**ИНФОСИСТЕМА**

Основные задачи единой  
системы госслужбы  
Республики Узбекистан **17-бет**

**ХАЛҚАРО ҲАЁТ**

2021 йилда кутилаётган  
технология трендлари **18-бет**

**БОЛАЛАР ВА БАЙРАМ**

Сеҳрли байрамда  
сирли совғалар **21-бет**

2020

йил якунлари:

## КАТТА САКРАШГА УНДАГАН СИНОВЛАР



Ўзбекистонда 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийetni ривожлантириш йили” шиори остида ўтди. Таъкидлаш керакки, бу йил АКТ соҳасини ривожлантириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига рақамли технологияларни жорий этиш бўйича кенг қўлмали вазибалар ва лойиҳаларни амалга оширишда том маънода катта сақрашлар йили бўлди. 2020 йил, аввало, рақамли иқтисодийetni келгусида ривожлантиришга замин яратган муҳим қарорлар қабул қилиниши билан эсда қолади.

4-5

УЧИНЧИ ТАШАБУС

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Куни кеча Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг ИТ-Парк инкубация маркази расман фаолият бошлади. Марказда иккита ўқув ва амалий машғулотлар хонаси компьютерлар жамланмаси, тақдимот доскалари, кузатув камералари, телевизорлар ва бошқа турли номдаги технологик қурилмалар билан жиҳозланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 12 ноябрда вилоятга қилган ташрифи давомида Қарши шаҳридаги ИТ-технопаркда ҳам бўлиб, у ерда веб-дизайнерлар, дастурчилар ва робототехниклар учун яратилган шароитлар билан танишганди. Ёш дастурчиларнинг лойиҳаларини янада ривожлантириш, янги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга курсатмалар берган эди. Институтда фаолиятини бошлаётган ИТ-Парк инкубация маркази Президентимиз томо-



нидан белгиланган вазибаларнинг амалдаги ижросидир.

Марказ ўз олдига институтда илгор бизнес гоьлар ва инновацион ишланмаларни мониторинг қилиш, танлаш ва инкубация қилиш, ёшлар бизнес ва

стартап жамоаларини шакллантириш, лойиҳа фаолиятига тайёрлаш бўйича инновациялар соҳасидаги ёшлар ташаббусларини аниқлаш, ИТ-технологиялар бўйича интерактив курслар ташкил этиш вазибалари қўйилган.

Ягона порталнинг  
янгиланган версияси  
тақдим этилди

Ягона портал фойдаланувчилари учун янги қулайликлар яратиш мақсадида Ягона портал такомиллаштирилди ва янгиланган версияси тайёрланди.

Ушбу версия янги интерфейсга эга бўлиб, навигация жиҳатидан фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш беради ва янада кўпроқ статистик маълумотларни тақдим этади. Бундан ташқари, электрон тўлов имкониятлари ҳам кенгайтирилди.





Президент Шавкат Мирзиёев 25 декабр куни Ўзбекистон ёшлари форумида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари форумда нутқ сўзлади ва ёшлар билан мулоқот қилди. Тадбирда 3 минг 300 нафардан зиёд, шунингдек, ҳудудлардаги студияларда 26 минг нафар йигит-қиз қатнашди.

Жорий йил Мустақиллик байрами арафасида Тошкент ерусти метросининг биринчи босқичи битказилган эди. Яқинда унинг яна бир муҳим бўғини – Сергели йўналиши ишга туширилди. Президент Шавкат Мирзиёев 26 декабр куни ушбу транспорт объектини бориб кўрди. Шу ерда давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан дилдан мулоқот бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев 26 декабр куни Сергели тумани Қипчоқ кўчасида қурилган кўприкни кўздан кечирди. Қипчоқ кўчаси 6 қаторли қилиб кенгайтирилиб, темир йўл устидан ўтувчи 772 метрлик кўприк барпо этилди. Унинг эстакада қисми 445, эни – 28 метр. Ушбу кўприк соатига 12 мингтача автотранспорт воситаларини узлуксиз ўтказиш имкониятига эга. Энг муҳими, у пойтахтимиздаги иккита йирик кўча – Янги Сергели айланма йўли билан Тошкент халқа йўлини боғлайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонларига мувофиқ, мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. 28 декабр куни Қўрсаройда мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари мукофотланганларни табриклаб, уларга ўзининг юксак эҳтиромини билдирди.

29 декабр куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаати бўлиб ўтди. Унда Давлат дастури доирасида бажарилган ишлар, режалар, галдаги устувор вазифалар хусусида маълумот берилди. Тадбирда давлатимиз раҳбари 2021 йилни "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг расмий сайтыда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонун матни эълон қилинди.

# Янги Ўзбекистонда Эркин ва Фаровон Яшайлик!

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёевнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномаси

Олий Мажлисга ва халқимизга йўланаётган бу йилги Мурожаатнома, ўтган йиллардан фарқи равишда, мураккаб бир даврга тўғри келмоқда – дея ўз мурожаатини бошлади Президент.

Ўзбекистон ижобий ўсиш  
суръатларини сақлаб қолди

Жорий йилда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш" Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотларни қатъий давом эттирдик.

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамадан, Ўзбекистон дунёнинг санқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Жорий йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.

Тошкент шаҳрида 2та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.

Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган "IT-Парклар"да 500дан ортик замонавий компаниялар иш бошлади.

"Иқтисодий эркинлик" рейтингинда ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислохотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Барчангизга маълумки, кириб келаётган 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига 30 йил тўлади. Албатта, бу тарихий санани сиз, азизлар ва бутун халқимиз билан бирга "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган эзгу гоё асосида кенг байрам қиламиз.

Бугун келгуси йил учун режа ва дастурларимизни аниқ белгилаб олар эканми, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, энг муҳим

ва устувор соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз, албатта.

Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Шу мақсадда "Янги Ўзбекистон – мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади", деган гоё асосида кенг кўламли ислохотларни амалга оширамиз.

## 2021 йил номи

Янги Ўзбекистонни ана шундай билим-ли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргалликда барпо этишимиз.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили", деб ном беришни таклиф этаман.

Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим камровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади.

Келгуси йили 30та янги мактаб қуриш, 320та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2триллион сўм ажратилади.

Соҳада ягона "электрон таълим" тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик

қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.

Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бу борада келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий таълим асосида, болага ортқча юклама бермайдиган "Миллий ўқув дастури" жорий этилади.

## Келгуси йилда 10та Президент мактаби

Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлугига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устама ҳақ тўланади.

Келгуси йилда юртимизда 10та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этишимиз. Ушбу олийгоҳда чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

## "Кўёшлик истасанг, касби камол эт"

Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамли. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, IT, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди.

Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, "Кўёшлик истасанг, касби камол эт", деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга кўёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим.

Ҳозирги даврда хорижий тилларни мукамал ўрганмасдан туриб, буюк бобомиз айтган ана шундай марраларга эришиб бўлмайди, десак, адашмаган бўламиз.

Бундай ўткир талабга амал қилиб, келгуси йилда физика ва чет тилларини ўрганишни устувор йўналиш этиб белгилашни таклиф этаман.

Шу мақсадда келгуси йилда таълимнинг барча бўғинларида ушбу фанларни



ўқитиш сифатини тубдан ошириш, ихтисослашган мактаблар очиш, малакали педагогларни жалб этиш каби тизимли ишлар амалга оширилади.

Физика бўйича Аҳмад Фарғоний номидаги халқро фан олимпиадаси ташкил этилади. Шунингдек, физика йўналишида илмий изланишлар кўлами ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилади.

**Банклар фаолиятига рақамли технологиялар татбиқ қилинади**

2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32та йирик корхона ва тармоқни трансформация қилиш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, физика йўналишида илмий изланишлар кўлами ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилади.

2021 йилда "Саноатқурилишбанк", "Асакабанк", "Ипотекабанк", "Алоқабанк", "Туронбанк" ҳамда "Қишлоқ қурилиш банк"ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади. Бу борада етакчи Европа банклари билан музокара олиб борилаётганда.

Таркибий ислохотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини камайтиришдир.

**Банклараро валюта бозори "онлайн" платформага ўтказилади**

Шу билан бирга, келаси йили банклараро валюта бозори "онлайн" платформага ўтказилади ва тадбиркорларга валютани бевосита банкнинг ўзидан сотиб олиш учун имконият яратилади. Натijaда тадбиркорлар валютани ҳозиргидек 4 кунда эмас, ярим соатда сотиб олиши мумкин бўлади.

Яна бир масала – ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалардан бундан буюн маҳаллий Кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисоб бериш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилади. Масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортқи йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.

Шунингдек, мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати кел-

ди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқро молия ташкилотлари экспертилари жалб этилади.

**Энг катта камчилик – билим етишмаслиги**

Бугунги кунда ишимиздаги энг катта камчилик – билим етишмаслиги, афсуски, барча соҳаларда сезилмоқда.

Ҳолбуки, бирорта ҳудудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий илм ва билимларсиз ривожлантириб бўлмайди. Тараққиёт этган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортқи "билимлар иқтисодиёти" ҳисобидан, яъни инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётгани бунга яққол исботламоқда.

Бундан буюн ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла ўз йўналиши ва "ўсиш нуқталари"дан келиб чиқиб ривожлантирилади. Бунинг учун келгуси йилда 3 триллион сўмлик маблағга эга бўладиган ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасини тузишни тақлиф этаман. Жамғарма маблағлари маҳаллий Кенгашлар тақлифлари асосан инфратузилма лойиҳаларини қўшма молиялаштиришга йўналтирилади.

Шунингдек, 84та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилади.

Келгуси йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм йўналтирилади.

**Электрон давлат хизматлари 60тага кўпаяди**

Ислохотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ. Шу мақсадда келгуси йилда қуйдаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади.

Кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари маҳаллий мавжуд. Сабаби – кўпчилик вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш учун ташаббус кўрсата олмайдди.

Бунинг сабаби нимада? Уларнинг ё билими, малакаси йўқ, ё қатъияти етмайди ёки коррупцияга берилган.

Афсуски, бундай раҳбарлар аҳоли ку-

таётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига кераксиз қоғозбозлик ва натижасиз мажлислар ўтказиш билан овора бўлиб қолмоқда.

Яна бир жиддий камчилик шуки, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари қўрилмапти.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда бошқарувада бир-бирини тақорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрласин. Бунда давлат бошқаруви ходимлари сонини ўртача 15 фоизгача оптималлаштиришни назарда тутиш зарур.

Келгуси йил охирига қадар электрон давлат хизматларини 60тага кўпайтириб, уларни 300тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарур.

**Ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизими жорий этилади**

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзига айланиши шарт.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очик ва фақат очик бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, фуқароларимиз жорий йилдан бошлаб очик эълон қилинаётган давлат харидларига оид маълумотлардан фойдаланиб, ўринли масалаларни кўтармоқда.

Молия вазирлиги уч ой муддатда давлат идоралари бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромад ва харажатлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни эълон қилиш амалиётини йўлга қўйсин.

Бундан ташқари, охириги икки йилда ҳокимларнинг 2,5 мингта яқин қарори судлар томонидан бекор қилингани бундан буюн уларнинг қарор қабул қилишида очиклики таъминлаш зарурлигини тақозо этмоқда. Шунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизими жорий этилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очик тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очик ва ошқора танлов тизими жорий этилади.

**Президентлик сайлови бўлиб ўтади**

2021 йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа – Президентлик сайлови бўлиб ўтади.

Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчи навбатда, сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва халқро стандартлар бўйича билимларини тизимли асосда шакллантириш керак. Ўтган сайловларда халқро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларнинг миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш ишларини давом эттирамиз. Бу муҳим сиёсий кампания Янги Ўзбекистон шариоитида сайловчиларимиз, барча фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқарashi, граждонлик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этади, деб ишонаман.

**Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас**

Ўйлайманки, бугунги Мурожаатномада ўртага қўйилган устувор вазифалар бўйича парламентимиз, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, кўпни кўрган донишманд нурунийларимиз, ташаббускор ёшларимиз – кенг жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Ортимизда, тоғдек таянч ва суянч бўлиб турган кўпмиллатли халқимиз – ҳаёт йўларида тўғри йўл кўрсатадиган мўътабар нурунийларимиз, меҳнатқаш, оқила опа-сингилларимиз, илғор ва замонавий фикрлайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган азму шижоатли ёшларимиз бор.

Биз барчамиз "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган ягона мақсад атрофида бирлашиб, масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда, фидокорона меҳнат қилиб, ўз орзу-мақсадларимизга, иншооллоҳ, эришамиз.

Бугун яхши ниятлар билан жуда катта марраларни ўзимизга белгилаб олмақдамиз. 2021 йилда олдимизда ҳар қачонгидан ҳам зарур, ўта муҳим вазифалар турибди. Албатта, уларга эришиш осон бўлмайди. Ҳаётимизнинг турли соҳаларида муаммо ва камчиликларимиз ҳам етарли. Жойларда ишни тўғри ташкил этмаслик, айрим раҳбарларда савия ва малака етишмаслиги, бюрократия, коррупция ҳолатлари, лоқайдлик ва бепарволик каби нуқсонлар ҳам борлиги сир эмас.

Биз буларнинг барчасини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Йўлимизда катта ғов бўлиб турган тўсиқларни бартараф этиш учун бошлаган ислохотларимизни оғишмасдан давом эттирамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, янги йилда янада катта сафарбарлик руҳида ишлашимизга тўғри келади.

Ҳаёт олдимида яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас.

Эл-юртимиз ҳозирги оғир шароитда барча синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва иродали бўлиб чиқмоқда. Ўзининг ҳаёти ва тақдирини, келажагини Ватанимизнинг тақдирини келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустақкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай кудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир.

Барчамизга ана шу улғу сафда бошқарларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимизни кириб келаётган янги – 2021 йил билан чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, фарзандлар, набираларингиз камолни кўриш бахтини тилайман.



ТОШКЕНТ ШАҲРИ, АНДИЖОН, ЖИЗЗАХ, ҚАШҚАДАРЁ, САМАРҚАНД, СИРДАРЁ ВА ФАРФОНА ВИЛОЯТЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИТ-ПАРКЛАРДА, 500дан ОРТИҚ ЗАМОНАВИЙ КОМПАНИЯЛАР ИШ БОШЛАДИ.  
КЕЛГУСИ ЙИЛДА ЮРТИМИЗДА 10та ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ, КИМЁ-БИОЛОГИЯ, МАТЕМАТИКА, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ИХТИСОСЛАШГАН 197та МАКТАБ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан

# 2020

йил якунлари:



## КАТТА САКРАШГА УНДАГАН СИНОВЛАР

**БИРГИНА 2020  
ЙИЛНИНГ ЎЗИДА  
5 МИНГТА МО-  
БИЛ АЛОҚА  
СТАНЦИЯСИ  
ИШГА ТУШИРИЛ-  
ДИ, ШУНИНГДЕК,  
УЧ МИНГДАН  
ОРТИҚ СТАНЦИЯ  
3G/4G БАЗАСИДА  
АНГИЛАНДИ.**

Шубҳасиз, булар орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 28 апрелида имзолаган "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг аҳамияти жуда катта. Ушбу қарорда рақамли технологияларни маҳаллий корхоналар ва давлат хизматлари фаолиятига кенг жорий этиш, ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш, АКТ соҳасидаги тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бошқа кўплаб долзарб масалалар аксини топган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон пойтахтини энг илғор ахборот-коммуникация технологиялари воситасида тубдан ўзгартиришга қаратилган "Рақамли Тошкент" комплекс дастури тасдиқланди.

Президентнинг 2020 йил 5 октябридаги "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ушбу ишларнинг манткий давоми бўлди. Кенг қўламли дастурий ҳужжат истиқболли иқтисодий соҳалар ва ҳудудларни рақамли трансформациялаш бўйича "йўл хариталари"ни ўз ичига олган.

COVID-19 пандемияси муносабати билан март ойида ўзини изоляциялаш тартиби эълон қилиниши

мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига жиддий ўзгаришлар киритди. Президент Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида таъкидлаганидек, рақамли технологияларни давлат бошқаруви, давлат хизматлари, савдо соҳаларига кенг жорий этиш қанчалик муҳимлиги коронавирус пандемияси даврида яққол исботини топди. Бунинг натижасида давлат аппарати, иқтисодиёт ва ижтимоий муҳим соҳалар фаолияти узлуксизлиги ва бардавомлиги таъминланди.

Ҳўш, 2020 йилда АКТ соҳасида нималар қилинди: энг муҳимларига тўхталамиз.

### Мустаҳкам инфратузилма ўчун мустаҳкам пойдевор

Рақамли иқтисодиёт ривожланишининг муҳим шарти — замонавий телекоммуникациялар базаси. 2020 йилда мамлакатимиз телекоммуникациялар инфратузилмасини ривожлантириш борасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кенг қўламли ишларни амалга оширди.

Мисол учун, 2020 йилда режалаштирилган 10 минг километр ўрнига, йил якунига келиб, 32 минг километр оптик толали алоқа линиялари ётқизилди. 1 млн. порт монтаж қилиниб, умумий сони 3 млн.тага етказилди.

Халқаро маълумотлар узатиш тармоғи умумий ўтказувчанлиги сезиларли оширилди (1200 Гбит/с.гача).

Вилоятлар марказларида маълумотларни узатиш тезлиги икки қарра (400 Гбит/с.гача), туман марказларида тўрт қарра (40 Гбит/с.гача) оширилди.

Операторлар ва провайдерлар учун халқаро интернет-хизматлар нархлари мунтазам камайтирилмоқда. 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 Мбит/с. 56 минг сўмни ташкил этган бўлса, бугунга келиб 20 фоизга пасайиб 45 минг сўмгача тушди.

**2021 йилда ушбу хизмат нархини 40 минг сўмгача пасайтириш режалаштирилган.**

Ижтимоий аҳамиятга эга объектларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Жорий йил 20 декабр ҳолатига ётқизилган оптик толали алоқа линиялари умумий узунлиги 13,5 минг километри ташкил этди. Бунинг натижасида мактабларнинг 75 фоизи, мактабгача тарбия муассасаларининг 87 фоизи, соғлиқни сақлаш муассасаларининг 82 фоизи юқори тезликдаги интернет билан таъминланди.

Мамлакатимиз бўйлаб мобил алоқани ривожлантириш ишлари изчил давом эттириляпти. Биргина 2020 йилнинг ўзида 5 мингта мобил алоқа станцияси ишга туширилди, шунингдек, уч мингдан ортиқ станция 3G/4G базасида янгиланди.

Бу ишлар натижасида мамлакатимиз аҳоли масканларини мобил алоқа би-

лан қамраш 98 фоизга, кенг поласали интернет билан қамраш 90 фоизга етди.

2020 йил октябр ойида жанубий корейлик ҳамкорлар билан биргаликда "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида йилига 50 минг километр гача оптик толали кабеллар чиқариш қувватига эга замонавий компания — Global Optical Communication Uzbekistan ҚК МЧЖ ишга туширилди. Бир пайтлар валюта эвазига хориздан келтирилган маҳсулотлар билан ички эҳтиёжimizни қоплардик, энди эса сифатли маҳсулотни экспорт қилиш имконияти туғилмоқда.

Ҳозирга келиб Ўзбекистон аҳолисининг 22,1 миллион нафари интернет-хизматлардан, 19 миллион киши мобил интернетдан фойдаланмоқда.

### АКТ-ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири — сифатли таълим

COVID-19 пандемияси энг кучли таъсирини ўтказган соҳалардан бири — таълим, коронавирус сабабли жараён тўлиқ онлайнга ўтказилди.

Мамлакатимиз бўйича ўқув жараёнларини онлайн алоқа билан таъминлаш борасида АКТ вазирлиги ва идоравий ҳамкорлар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, мобил алоқа операторлари ва интернет-провайдерлар мамлакатимизнинг қатор таълим ресурслари веб-сайтларига бепул киришни йўлга қўйишди. Миллий те-



левидениеда март ойдан "Онлайн мактаб" дарслари бошланди. Тошкент ахборот технологиялари университети, пойтахтдаги ИНХА ва Амита университети, шунигиндек, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган IT-мактабда ўз вақтида масофавий таълим йўлга қўйилди. Ушбу таълим муассасалари ҳужжатларни қабул қилиш ва кириш имтиҳонларини ҳам онлайнда ўтказди.

2020 йилда таълим йўналишида IT-Park ҳам семаҳсул фаолият олиб борди. Технопаркнинг бевосита иштирокида қатор онлайн-лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Булар орасида номдор ва нуфузли IT-мутахассислар иштирокида IT-Tadbirkor онлайн курсларининг йўлга қўйилганлиги, жаҳондаги етакчи таълим онлайн-платформаларидан саналган Coursera билан ҳамкорликда Ўзбекистон фуқаролари учун бепул таълим акцияси ўтказилганини алоҳида таъкидлаш ўринали.

IT-Parkнинг муҳим лойиҳаларидан бири технопарк IT-марказлари томонидан энг муҳим компьютер ва АКТ йўналишларида видеодарслар ишлаб чиқиши бўлди.

Президент илгари сурган беш ташаббуснинг учинчиси доирасида мамлакатимиз бўйлаб рақамли технологиялар марказлари очилиб, аҳоли ва ёшларга компьютер ва интернет технологиялари бўйича билим берилишдаги яна бир муҳим йўналиш.

Бугунги келиб Ўзбекистонда бундай марказлар сони 102 тага етди.

2019 йилнинг ноябрида "Бир миллион дастурчи" (One Million Uzbek Coders) мегалойиҳасига старт берилганди. "Бир миллион дастурчи" — онлайн-портал (uzbekcoders.uz) воситасида кенг аҳоли қатламларига масофадан таълим беришга қаратилган лойиҳа.

Лойиҳа фаолиятининг илк йилида — 12 ой давомида платформада 120 минг киши

рўйхатга олинди, шундан 34 минг нафарига лойиҳа қатнашиш сертификати берилди, 18 минг нафари курсларни муваффақиятли якунлади. Уч босқичли саралашлар натижасига кўра, 150 нафар қатнашчи Udacity Nanodegree дастури бўйича бепул ўқиш ҳуқуқига эга бўлди.

**IT-Park — IT-тадбиркорлик тараққиёти етакчиси**

Ахборот технологиялари йўналишида тадбиркорлик учун зарур шароитлар яратилиш борасидаги вазифаларнинг салмоқли қисми, шубҳасиз, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки — IT-Park зиммасига тушган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, IT-Park фаолияти ўз меваларини беришни бошлади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам технопарк филиалларини очишга қарор қилинди. Айна пайтда Андижон, Марғилон, Гулистон, Жиззах, Қарши ва Самарқандда шундай филиаллар ишлаб турибди.

Бевосита IT-Park иштирокида бу йил IT-стартларини қўллаб-қувватлаш бўйича аҳамиятга молик ишлар қилинди. Хусусан, инкубация ва акселерация дастурлари.

Аёллар IT-тадбиркорлигини қўллаб қувватлашга қаратилган Tumaris Tech лойиҳаси, ўйинлар ишлаб чиқарувчи инкубатор — GameDev Goethe, тўрт хафталик акселерация м и н и - д а с т у р и — TRACTIONCamp Online Central Asia ёки Investment Readiness Accelerator дастури шулар жумласидандир.

Ёшларнинг АКТ соҳасидаги тадбиркорлигини комплекс қўллаб-қувватлаш мақсадида олий таълим муассасаларида IT-инкубация марказлари очилмоқда. Айна пайтда уларнинг сони олтига: пойтахтдаги Турин политехника университетида, Г.В.Пеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиалида,

**ЁШЛАРНИНГ АКТ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИГНИ КОМПЛЕКС ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАҚСАДИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА IT-ИНКУБАЦИЯ МАРКАЗЛАРИ ОЧИЛМОҚДА.**

Тошкентдаги ИНХА ҳамда Амита университетида ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт университетида.

**Халқаро ташкилот ва компаниялар билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Технопарк 40дан зиёд чет эл компания ва ташкилотлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.**

Ўз резидентлари маҳсулот ва хизматларини халқаро бозорларда илгари суриш, стартап-лойиҳаларга хорижий сармояларни жалб қилиш мақсадида IT-Park 2020 йил август ойида АҚШда ўз ваколатхонасини очди. Келгусида бу каби ваколатхоналарни Австралия, Япония, БАА ва ЕИ мамлакатларида ҳам очиш режалаштирилган.

**Аҳоли учун қулай Е-сервис**

Мамлакатимизни рақамли трансформациялашнинг энг муҳим йўналишларидан бири — электрон ҳуқумат тизимини ривожлантиришдир. Тизимнинг энг муҳим лойиҳала-

ридан бири Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) бўлиб, унинг воситасида аҳолига масофадан давлат хизматлари кўрсатилади.

Айни пайтга келиб, порталга топширилган аризалар сони 24,4 млн.тага етди, ЯИДХП умумий фойдаланувчилари сони эса 369 минг нафардан ошди. Январ ойида ЯИДХП мобил иловаси ишга туширилди, шунигиндек, порталнинг Telegram-боти ҳамда SMS ахборот бериш хизмати ишлаб турибди.

COVID-19 пандемияси даврида электрон давлат хизматларига талаб ҳар доимгидан ошиб кетди. Ҳаракатланиш чекланган март ойдан аҳоли учун "Автотранспорт воситаларида ҳаракатланиш учун махсус рухсатнома олиш" хизмати йўлга қўйилди.

Июн ойида эса ЯИДХП яна бир янги хизмат — "Абитуриентларни онлайн рўйхатга олиш"ни йўлга қўйди. Ушбу хизматга 57,6 мингдан ортиқ фойдаланувчи мурожаат қилган.

Жорий йилда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)да аҳоли учун муҳим бўлган қатор онлайн хизматлар йўлга қўйилди.

**Фуқаролар энди:**

■ **Шифокор қабулига навбатга ёзилишлари;**

■ **Маиший чиқиндилар бўйича ҳисоб рақами ҳолати ҳақида маълумот олишлари;**

■ **Иш ҳақи ва меҳнат стажини тасдиқловчи архив маълумотномасини олишлари;**

■ **Ўқиш жойидан маълумотнома, олий ва ўрта-махсус таълим маълумотига эгаликлари тўғрисида архив маълумотномаси олишлари;**

■ **Фуқароликни расмийлаштиришлари;**

тириш ва миграция бўлимларига навбат олишлари (паспорт столи);

■ **Туғилганда бериладиган бир марталик нафақага ариза топширишлари;**

■ **Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда туришга ариза топширишлари;**

■ **ва бошқа қўллаб-қувватлаш хизматлардан масофадан туриб фойдаланишлари мумкин.**

**Почта ўзгаради**

Давлат учун стратегик муҳим аҳамиятли алоқа турларидан бири шубҳасиз, почта. Бугунги кунда почта хизматлари фаолиятини рақамли технологияларни кенг жалб этган ҳолда ва янги бозорларни ўзлаштириш орқали келгусида такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Янги ва қулай хизматлардан бири сифатида "Тезкор почта"ни қайд этиш мумкин. Бунда жўнатмалар қисқа муддатларда элтиб берилади, гибрид почта эса ҳужжатларни электрон кўринишда йўллаб, кейинчалик чоп этган ҳолда манзилларга етказишни кўзда tutади.

Почта ўз электрон тўлов (биллинг) тизимини кенгайтиришда давом этмоқда. Бугунги кунда аҳоли учун 60дан зиёд хизматларга тўловларни амалга ошириш имконияти яратилган, телефон, мобил алоқа, интернет, коммунал тўловлар, жарималар шу жумласига қиради.

Аҳолига қулайлик яратиш ва хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида охириги бир ярим йил давомида ёпилиб кетган 34та туман почта алоқаси тармоғи ва 43та алоқа бўлими қайтадан очилиб, 435та иш ўрни яратилди.

COVID-19 пандемияси даврида миллий почта оператори одатий иш тартибини давом эттирди, санитария-эпидемиология талабларидан келиб чиқиб, ўз миқозларига узлуксиз хизмат кўрсатишда давом этди. Хорижий почта ер усти транспорт орқали 38 мамлакатга жўнатилди, пул ўтказмалари йўналишида миқозларга бир ойлик 50 фоизлик чегирма акцияси, халқаро почта юбронини янги ва қулай Extra.таърифи жорий этилди.

2020 йилнинг 14 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президентини "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Почта тўғрисида"ги қонунининг янги таҳрири ишлаб чиқилмоқда.

Синовли 2020 йил имтиҳонларидан мамлакатимиз АКТ соҳаси муваффақиятли ўтди. Зеро, бу йил соҳанинг келгуси тараққиёт йўллари белгилаб берувчи, мамлакатимизни келгусида рақамли трансформациялаш учун мустақам пойдевор вазифасини ўтовчи муҳим қарорлар қабул қилинди, улкан лойиҳалар ишга туширилди.

# ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ: СОН ЭМАС,



Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази директори Баҳром ЗИЯЕВ билан суҳбат

**– Ассалому алайкум, аввало, тақдиримизни қабул қилганингиз учун катта раҳмат. Келинг, суҳбатимизни фаолияти қайта ташкил этилган Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази олдида эндиликда қандай вазифалар кўйлаётганидан бошласак...**

– Бугун Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази олдида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича стратегик вазифалар қўйилган. Президентимиз якунланаётган йилни бежизга Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб номламаганди. Худди олдиндан сезилгандек, ёз ва куз ойларида бутун дунёга раҳна солган пандемия, яъни кучайтирилган карантин даври рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат хизматларининг нақадар кераклигини кўрсатди. Аҳоли ўртасида уларга талаб ошиб кетди. Шу паллада қайта ташкил этилган марказимиз халққа сифатли хизмат кўрсатишни ўз олдида бош мақсад қилиб қўйди.

Ушбу жараёнда нафақат электрон ҳукумат, балки республикамиздаги барча вазирликлар, ташкилот ва идоралар ҳам ўз фаолиятини ахборот технологияларисиз ривожлантира олмаслигини том маънода англаб етишди. Масалан, яқинда спорт вазирлигида бўлганимизда, раҳбарлари "Ахборот технологияларисиз биз спортни ҳам ривожлантира олмас эканмиз", деган фикрни билдиришди.

Буни англаб етган ҳар бир вазирлик, давлат ташкилотлари, идора борки, ҳаммаси ўз бизнес жараёнларини автоматлаштириб, соҳасига рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари йўналишларини киритиб

боряпти. Агар ҳар бир тизимда рақамли технологиялар жорий этилиши юқори кўрсаткичга чиқса, бу нафақат давлат органлари, балки аҳоли учун ҳам қулайлик туғдиради, энг муҳими, шаффофлик таъминланади.

АКТ вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, бизнес ҳамжамияти ва илмий доиралар вакиллари ҳамда хорижий экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясининг қабул қилиниши ҳам катта қадам бўлди. Барча тармоқларни автоматлаштириш борасида йўл хариталари белгиланди. Ҳар бир соҳага алоҳида рақамли иқтисодиётга йўналтирилган раҳбар кадрлар тайёрлашга киришилди.

Тан олаимизми-йўқми, лекин илм-маърифатсиз рақамли иқтисодиётни ривожлантириш қийин, яъни ахборот технологиялари соҳасидаги билимларни оширмай туриб, рақамли иқтисодиётни юксалтира олмаймиз. Ҳозир олдимизда катта бир муаммо турибди, бу ҳам бўлса – кадрлар салоҳиятини ошириш. Бу борада АКТ вазирлиги томонидан барча ҳудудларимизда рақамли иқтисодиёт, яъни ахборот технологияларига йўналтирилган марказлар ташкил этилмоқда.

**– Бу соҳа ёшларимизга нималарни ваъда қилади?**

– Биласизми, ахборот технологияларининг яна битта яхши тарафи бор. Бу соҳада фаолият олиб борувчиларга диплом шарт эмас. Қайсидир дастурий таъминотни ишлаб чиқиш учун унинг тилини билса, марҳамат, ишласин. Хизмати учун пул олсин.

Бугун бежизга ҳар бир вилоятларимизда АКТга ихтисослаштирилган мактаблар

ташкил этилмапти. Улар режасига 1-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчи-ёшларга айнан ахборот технологиялари йўналиши билан бирга, аниқ фанлар, масалан, математика, физика, компютер дастурлаш тилларини ҳам ўқитиш киритилган. Яқинда Сирдарё вилоятида АКТга ихтисослаштирилган коллеж очилди. Буларнинг ҳаммаси ёшлар учун, уларнинг келажаги учун.

Ҳозирги кунда республикамизда бу йўналишда учта университет бор: Амити, ИНҲА ва Тошкент ахборот технологиялари университети. Таҳлил натижалари АКТ йўналишини 0,2 фоиз ёшларимиз битираётганини кўрсатган. Бу жуда кам дегани. Шу ўринда савол туғилади: агар биз билим салоҳияти етарли кадрларни етиштира олсак, улар нима беради? Аввало, улар олган билимлари орқали маълум бир дастурий маълумотлар ишлаб чиқаради. У, ўз навбатида, давлат органига – қоғоз кўринишидаги ёки бюрократик тўсиқлар деймиз – уларни йўқотишга, шаффофлик таъминланмаган, инсон омили аралашадиган жойлардаги муаммоларни бартараф этишга йўл очади. Кейин аҳоли бу тизим хизматидан онлайн фойдаланиши мумкин. Ва у Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланади, интеграция қилинади. Шу тариқа аҳоли ҳар битта давлат органидаги керакли маълумотларни, хизматларни олиш имкониятига эга бўлади.

**– Ҳақиқатан, бу йил пандемия сабаб рақамли иқтисодиётга янада кўпроқ эҳтиёж сездик. Айтинг-чи, бир йиллик олинган хулосалар ва тўпланган тажрибалар қандай бўлди?**

– Ҳозирги кунда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан хизмат кўрсатишни автоматлаштиришдан ташқари, тизимларни ишлаб чиқариш бўйича вазирлик ва идоралардан келаётган 350дан ортиқ техник топшириқларга хулосалар берилди. Марказнинг асосий вазифаси жорий этилаётган тизимларнинг ўша вазирлик идораларига қанчалик тўғри келишини ва бир-бирини тақрорламаслигини ўрганиш ҳамда давлат бюджетини берогар сарфламасликдир. Шу мақсадда марказимиз томонидан ягона ахборот реестри ишлаб чиқилди. У республикамиздаги барча давлат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилаётган ахборот тизимларининг ягона базаси бўлади. Яъни, қайси давлат ташкилотларида нечта ва қайси ахборот тизимлари жорий қилинган, уларнинг рўйхатини юришти, мониторингини олиб бориш, самарадорлигини ўрганиш ва ҳоказо.

**– Электрон ҳукумат соҳасидаги қайси лойиҳаларни ҳам мамлакатимиз, ҳам халқимиз учун муҳим деб ҳисоблайсиз?**

– Ўзи ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилот лойиҳаларини фаолиятидан келиб чиққан ҳолда яратади. Ҳамда ҳар бир лойиҳа қайсидир вазирлик ёки ташкилот учун муҳим ҳисобланади. Ана шу зарур лойиҳаларни бир жойга жамловчи бу – Ягона интерактив давлат хизматлари порталидир.

Ҳозирга келиб, порталда янги модернизация ишларини олиб бордик. Шу йилнинг ўзида 40дан ортиқ янги хизмат жорий этган бўлсак, бунгача 180таси мавжуд эди. Эндиликда биз уларни оптималлаштиришимиз керак, деб ўйлайман. Тўғри, хизматлар-

# СИФАТ МУҲИМ

ни кўпайтирганимиз яхши, ammo халққа уларнинг сони эмас, аввало, сифати муҳим-ку. Яъни, битта хизмат орқали бир неча ишни ҳал қилишга эришишимиз лозим.

Масалан, янги фарзандли бўлганда болага илк бор гувоҳнома берилади. Шу ҳужжат билан бирга жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини олиш ва бир пайтнинг ўзида чақалоқни яшаш ҳудудига яқин мактабгача таълим муассасасига навбатга қўйишни ҳам белгилаб кетиш керак. Бола боғча ёшига етганида навбатга келгани тўғрисида хабар келади. Кўряписими, ушбу жараён тўлиқ автоматлаштирилган, ортиқча вақт ҳам талаб қилмайди. Бу Мактабгача таълим вазирлигининг лойиҳаси.

– Баҳром Қобулович, биламизки, Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг очилганига бир неча йил ўтди. Лекун у негадир омалашмади. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

– Сабаби, ўша вақтда аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланиш даражаси пастроқ эди, ҳозир секин-аста ўсиб борапти. Лекин пандемия бу жараённи тезлаштирди. Яъни, одамлар уйдан чиқмаган ҳолда ушбу хизматларни ўрганишга мажбур бўлди. Натижада нафақат хизмат турларимиз, балки республикамиз бўйлаб интернет тезлиги ҳам ортди.

Шунингдек, мактабларимизда электрон кундалик жорий этилди. У орқали ота-оналар фарзанднинг давоматини, дарсларга қатнашишини, баҳоларини кузатиб борапти. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш объектиларимизда электрон поликлиника деган атамалар пайдо бўлди. Илгари шифокор қабулига борсак, навбат кўтиб кунимиз ўтарди. Ҳозир ундай эмас. Массофадан туриб, шифокор қабулига ёзилиш, навбати яқин қолганда дарров чиқиб келиши мумкин. Ушбу рақамли иқтисодий стратегиямизни барча ҳудудларга татбиқ этиш белгиланган. Тажриба тариқасида 12та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридаги 28та туманда, яъни ҳар бир вилоятда иккитадан лойиҳани жорий этиш кўзланган.

Шахсан ўзим АКТ вазирлиги томонидан Хоразм вилоятига бириктирилганман. Ҳозир вилоятнинг Ҳонқа ва Шовот туманларидаги барча таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш объектиларига алоқа линиялари тортиб бўлиниб, тизимдан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу аҳоли учун жуда катта қулайликдир.

Яна ҳудудлардан келиб чиққан ҳолда таълим сифатини ҳам оширишимиз мумкин. Масалан, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикасида математика фанидан билими юқори болалар жуда кўп экан. Таҳлил қилганимизда, 70 фоизи математикадан беш оларкан. Шунинг учун энди эътиборни Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаларига ҳам қаратиб, IT-Паркларни ривожлантиришни ҳамда болаларни ахборот технология йўналишида кучайтирилган тартибда ўқитишни мақсад қилганимиз.

– **Хизматларга бўлаётган талаб-ни ўзингиз ҳам кузатиб борасизми?**

– Албатта, ҳар битта хизмат жорий этилганда ўзим ундан фойдаланиб кўраман. Яъни, хизмат босқичларида одамларга қандай қулайликлари бор, муаммолар келиб чиқмаяптими, яна қандай энгиллик киритиш мумкин – бирма-бир ўрганаман. Танишлардан ҳам фойдаланиб кўришни сўрайман. Хизматлар босқичи қанчалик қулай бўлса, аҳолининг масофадан туриб фойдаланиш самардорлиги шунчалик ошади деб ўйлайман. Биз ахборот технологиялари йўналишидаги мутахассислар хизматда бирор ноқулай бўлса ҳам, ечим топиб кетавершимиз мумкин. Лекин оддий одам қийналади. Шунинг ҳам ҳисобга олишимиз шарт.

– **Тўғри айтдингиз, ҳақиқатан ушбу тизимни аҳоли яхши тушуниб олиши учун вақт керак. Бу борада яна нима ишлар қилинмоқда?**

– Рақамли иқтисодий ривожлантиришда бизнинг стратегиямиз бу – Ягона интерактив давлат хизматларининг ягона биллинг ҳамда аҳолини идентификация қилиш тизимларини босқичма-босқич жорий этиш. Биз нафақат аҳолига, балки давлатга ҳам хизмат кўрсатамиз. Масалан, давлат божини олишда. Аҳоли маълум бир хизматдан фойдаланганда пул тўлайди ва у давлатга бориб тушиши керак. Мазкур жараён шаффоф амалга ошириляптими-йўқми, назорат қилиш лозим. Шу сабабли биз ҳар бир хизмат учун ягона биллинг тизимини ишлаб чиққанмиз. У орқали хизматдан фойдаланган шахс ўша жойнинг ўзида тўлаш имкониятига эга бўлади ва давлат божни тўғридан-тўғри бюджетга тушади.

– **Бугунга келиб вазирликлар ва давлат ташкилотлари ўртасида ахборот алмашинуви қандай йўлга қўйилган?**

– Бу мақсадда идоралараро интеграцион платформа яратилиб, у орқали барча вазирлик ва ташкилотларга тегишли маълумотларни алмашиш кўзланганди. Ammo у бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ушбу тизим 2014 йилда Корея билан ҳамкорликда жорий этилганди, ҳозирги кунда маълумотлар ҳажми катталашгани сабаб кўтариш қобилияти дош беролмаяпти. Мазкур тизимни янгилаш олдимишга қўйилган мақсадлардан бири бўлиб, кейинги йил охиригача яқунлашимиз зарур.

– **Кўп соҳаларда ҳудудлар билан ишлаш ҳалигача яхши йўлга қўйилмаган. Электрон ҳукуматнинг бу борада олдига қўйган мақсади, тактикаси қандай?**

– Бугунги кунда ҳар бир ҳудуд бўйича лойиҳаларнинг бажарилиш босқичлари, кечикиш сабаблари таҳлил қилиниб, улар натижасини жойларга чиққан ҳолда ўрганадиган мутахассисларимиз мавжуд. Улар муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беришади. Яъни, интернетдан тортиб, дастурий таъминотни жорий этишгача. Шунингдек, бошқариш учун мониторинг тизимини ҳам ишлаб чиқдик. Бунда барча лойиҳаларнинг рўйхати ва амалга ошириш мuddати белгиланган бўлади. Ҳозирги кунгача 30та лойиҳа тўлиқ битди.

– **Бу қанча мuddатда амалга оширилди?**

– Президентимизнинг ушбу масалага қаратилган қарори ёз фаслида имзоланган бўлса, шу вақтгача иқтисодий тармоқлари ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда вазирлик идораларида 250дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Биргина мисол, агар биз ҳозирги кунда газ ҳамда электр энергия таъминотини автоматлаштирсак, аҳолига етказиб берилаётган маҳсулотимиз сифати тушади. Эндиликда янги ҳисоблагичлар орқали масофадан мониторинг қилиш имконияти яратилди. Айнан автоматлаштириш ёрдамида соҳани ривожлантиришга эришамиз. Агар ушбу босқичга олиб чиқолмасак, шаффофлик бўлмайди.

Масалан, жаҳон тажрибасидан Ҳиндистон ёки Корея, Қозоғистон, Беларусь, давлатларини оладиган бўлсак, уларнинг асосий даромади ахборот технологиялари йўналишидаги дастурий маҳсулотлар экспортдан. Бизники эса қишлоқ хўжалиги ёки маълум бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар орқали. Биз бу маҳсулотларни олиш учун қандайдир ресурс ишлатамиз. Ахборот технологиялари эса ресурс эмас, ақлий жараённи талаб қилади: бунда интеллектуал қобилият сотилади. Интеллектуал қобилиятнинг маржаси 90 фоиз ҳисобланади. 10 фоизига интернет ва компютерингизга кетади. Бу жуда катта фойда дегани.

Яна бир оддий мисол, айтилик, Тошкент вилоятининг Қибрай тумани аҳолиси шу кунгача газдан фойдаланган. Лекин ким, қанча миқдордаги газ ишлатгани тўғрисида на маълумот, на рўйхат мавжуд эмас. Айнан ақлий ҳисоблагичларни ўрнатиб орқали газга сарфланган пулдан 70 фоиз кўп даромад олишга эришилди. Буни ҳатто ўша газ берадиган ташкилотнинг ўзи ҳам билмаслиги ойдинлашди. Ахир бу ўз-ўзидан давлат бюджетига зарар-ку. Аҳолига газ сифатли етказиб берилса, улар ҳам пулини вақтида тўлашга одатланади. Ҳатто олдидан тўлаб қўйгани учун сифатли газ берилишини талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

– **Айтмоқчисизки, барча соҳалар рақамлаштирилса, таниш-билишчилик, коррупция ҳолатларининг олди олинади, яна юртдошларимиз ўз маблағларини назорат қилиб, бағрага, қанча сарфлаётганини аниқ билишига замин яралади, шундайми?**

– Албатта. Рақамли технологияларни жорий этиш бу мамлакатимиз олдида қўйилган улкан мақсадларга эришининг энг қисқа йўлидир. Тизим маълумотга қанчалик кўп эга бўлса, таҳлил қилиш орқали ҳатто келаётган хавф-хатарга ҳам олдидан тайёр туришимизни белгилаб беради. Яъни, шаффофликни таъминлаш билан бирга ўсишимизга ҳам хизмат қилади.

– **Энди 2020 йил натижаларига қайтсак...**

– Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ташкил этилганига кўп бўлмаса-да, қисқа вақтда 40тадан

ортиқ давлат хизматларини жорий қилди. Маълум бир тизимлар, яъни давлат ва хўжалик бошқарув органлари билан алоқаларни автоматлаштиришга эришдик. Жумладан, техник топшириқдан тортиб, унга бериладиган хулосаларни ҳам электрон кўринишга ўтказдик. Маълум бир тизимларимиз модернизация қилинди. Олдимишга қўйилган мақсадлар жуда катта. Масалан, кейинги йилда маълумотларни қайта ишлаш марказини ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу давлат органлари учун юқори натижа дегани. Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган хизматларни оптималлаштиришни, яъни сонига эмас, сифатига баҳо беришни мўлжаллаяпмиз.

Бундан ташқари, кейинги жараёнларда ҳар бир вазирлик идораларини рейтинг баҳолашни йўлга қўймоқчимиз. Бу орқали улар ўзларининг ютуқ ва камчиликларини ўрганиб, тегишли хулосага келишади.

– **Мана, 2020 йил билан ҳайрлашиш арафасида турибмиз. Яна 2021 йилга мўлжалланган режалар, лойиҳалар билан ҳам ўртоқлашсангиз.**

– Аввало, ҳар бир вазирлик идораларидаги мутахассисларимизни ўқитишимиз керак. Улар савиясини ошириш орқалигина бу йўналишни тезроқ ривожлантиришга эришамиз. Шунингдек, 2021 йилда тўлиқ якунига етказиладиган 500дан ортиқ йирик лойиҳалар бўлиб, тизимли назорат орқали улар то якунига етгунча кузатиб боришимиз керак.

Бугунги кунда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази юқори маъналик мутахассисларга эга. Лекин етарли эмас. Ҳозирги кунда кадрлар етишмаслиги кўп жойларда глобал муаммо. Шунинг учун бу масала ҳам алоҳида эътибор талаб қилади.

Бундан ташқари, ҳар бир соҳанинг иқтисодий самардорлигини ҳам баҳолаб боришимиз керак. Мана шу мақсадларимизни амалга ошаркан олсак, ўсиш сари қадам босган бўламиз.

– **Ҳар бир соҳада ривожланиш бўлиши, қандайдир натижага эришиш учун хориж тажрибасини ўрганиш керак, назаримда. Сизнингча, бу қанчалик муҳим?**

– Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази раҳбарига, яъни менга Кореянинг шу йўналишдаги мутахассиси доктор Шин маслаҳатчи этиб тайинланган. Ва биз ушбу ривожланган давлат тажрибасини қўллаб келаяпмиз. Бугунги кунда Кореянинг электрон ҳукумат йўналиши давлат бюджетига ўртача 15 миллиард доллардан ортиқ фойда келтиряпти.

– **Баҳром ака, суҳбат учун сизга миннатдорлик билдирамиз. Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни, ҳамкасбларингизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан қутлашимиз мумкин, марҳамат.**

– Раҳмат. Аввало, Янги – 2021 йил юртимизга қутлуғ келсин!

Мураккаб ва долғали ўтган, ўзига яраша қийинчиликлар, катта йўқотишлар билан ёдимизга муҳрланган 2020 йил фақат ўтмишда қолиб, бу ёнига ёруғ кунларни кўриш, Янги Ўзбекистонни қуриш, улкан мақсадларимизга эришиш насиб этсин!

Барча юртдошларимиз, ҳамкасбларимиз хонадонда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурсин! Дастурхонларимиз, бозорларимизда тўкин-сочинлик бўлсин! Фарзандларимиз, эртанги кун ёшлари илға ошно ўсиб, юртимиз шаънини кўкларга кўтарсин!

Яна бир бор ҳаммага Янги йил муборак бўлсин!

Шоҳида ИСРОИЛОВА  
суҳбатлашди



## Сирдарё вилояти: РТЎМлар ЯНА ИККИТАГА КЎПАЙДИ

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳар ва Гулистон туманида ҳам Рақамли технологиялар ўқув марказлари фаолият бошлади.

Рақамли технологиялар ўқув марказларининг очилишига бағишланган тадбирларда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси, туман ҳокимлигининг раҳбар ва ходимлари, меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Мазкур марказлар замонавий компьютер жихозлар билан таъминланган бўлиб, компютердан самарали фойдаланиш, дастурлаш, веб-дизайн, компютер графикаси асослари каби ихтисослашган ўқув курсларни ташкил

этиш учун мўлжалланган.

Қисқача қилиб айтганда, ўқув марказларида аҳоли ва ёшларнинг замонавий ахборот технологиялари соҳасида билим эгаллашлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди. Шу билан биргаликда, ўқув марказларида корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакасини ошириши режалаштирилган.

Шунингдек, байрам арафасида Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида, Жиззах вилоятининг Фориш ҳамда Бухоро вилоятининг Гиждувон туманларида ҳам Рақамли технологиялар ўқув марказлари ёшларга ўз эшикларини очди.

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ



Шунингдек, техник хизмат кўрсатиш орқали ёшлар бизнес жамоаларини қўллаб-қувватлаш, талабалар, магистрантлар, докторантлар ва ёш олимларнинг илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш кўзда тутилган.

Институтнинг илмий-техник ва инновацион ишланмаларини тижоратлаштиришга кўмаклашиш, миллий ва халқаро инновация дастурларига интеграциялашувини рағбатлантириш, миллий ва халқаро даражада иштирокини таъминлаш ҳам, ўз навбатида, марказ зиммасидаги вазифалардан бири саналади.

Булардан ташқари, IT-Парк инкубация маркази консалтинг хизматлари кўрсатиш, шу жумладан, шартнома асосида рақамли иқтисодиёт, нефт-газ, энергетика, кимё-технология ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб бориш, халқаро грантлар, илмий-тадқиқот лойиҳалари танловлари ва конференцияларда иштирок этиш билан ҳам шуғулланади.

IT-Парк инкубация маркази очилиш маросимида Қашқадарё вилоят ҳокими Зоир Мирзаев ташриф буюрди. Ҳоким марказда яратилган шароитларни кузатиш баробарида, институт талаба-ёшлари ва ёш олимлари IT-

лойиҳалари ва хизматлари билан танишди. Даставвал, иқтисодиёт факултетининг 3-босқич талабаси Олимжон Амиркулов ўзининг "Деҳқонбобо" стартап лойиҳасини тақдим этди.

– Аввало, қайси ҳудудда қандай экин экишни яхши билиш керак, – дейди вилоят ҳокими З.Мирзаев хонадонлар ерларидан унумли фойдаланиш ва даромад олишни тўғри ташкиллаштиришга қаратилган "Деҳқонбобо" стартап лойиҳаси билан танишар экан. – Ана ундан кейин маҳсулотни сотиш бўйича буюртмачилар рўйхатини шакллантириш керак. Биз вилоят Фермерлар кенгашига топшириқ берамиз, ҳамкорликда ишланса, айрим камчиликларни бартараф қилинса, лойиҳа эртага яхши натижалар кўрсатиши мумкин.

"Геодезия, кадастр ва ердан фойдаланиш" кафедраси ассистенти Фазилат Музропованинг "Шаҳрисабз туманида ички туризмни ривожлантириш учун рекрецион ҳудудларнинг топонимик харитасини яратиш" ҳамда "Ахборот технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси Нодир Ҳамроевнинг "arm.qmii.uz elektron axborot kutubxonasi tizimi" каби лойиҳалари ҳам қизгин муҳокама-мулоқотга сабаб бўлди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

## ТАТУ ДОКТОРАНТИ 3D ПЛАТФОРМАНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ УСТИДА ИШЛАМОҚДА

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети докторанти Улуғбек Ғиёсов Тошкент 2-Халқаро китоб кўргазма-ярмаркасининг 3D муҳитини яратди.

Лойиҳанинг асосий мақсади – Халқаро китоб кўргазма-ярмаркасини виртуал шаклга ўтказиш ва бу орқали нафақат ўқувчи ва китобхонлар, балки нашриёт соҳаси мутахассисларига ҳам мўлжалланган ва ижтимоий масофа шароитида маданий интеграцияни кучайтириш, фестивал иштирокчиларини масофадан боғлаш, электрон форматдаги нашриёт маҳсулотларини намойиш этиш, тажриба ва билим алмашиш учун ноёб рақамли платформани тақдим этишдан иборатдир. Шунингдек, лойиҳанинг энг асосий қулайликларидан яна бири – вақт ва замон оралмида бир макондан иккинчи маконга телепортация объекти ёрдамида ўтиш мумкин.

Тадқиқот давомида Frankfurter Buchmesse 2020, EduCanada Virtual Fair 2020, Helsinki Book Fair, International Istanbul Book Fair 2020, Children's Book Fair (CCBF) 2020 каби дунёга машҳур халқаро китоб кўргазмалари ўрганилган.



Мазкур виртуал 3D дастурий тизимини Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида тестлаш ва жорий қилиш қўйидаги натижаларни берган:

● виртуал муҳитлар учун 3D объектларини, хусусан экстернер, интерер ва персонажларнинг дизайни ва геометрик моделлари яратилган ҳамда уларнинг компютерли алгоритмлари ишлаб чиқилган;

● виртуал стендларда китоблар ҳақидаги маълумотлардан ташқари, тақдимотлар ва видео-файллар намойиш этилди. Ахборотни тақдим этишда қулай интерфей-

сли стенд-боотлар яратилган;

● виртуал артефакт ва 3D примитивлар муҳити учун фойдаланувчи виртуал борлиқ тизими ишлаб чиқилган;

● виртуал дастурий тизимида 3D объектларни сифат кўрсаткичини йўқотмасдан таъсир этувчи Mesh type PR (қўлбурчак полигонлари ҳажмини камайтириш) ва Simplify poly (полигонлар сонини соддалаштириш) учун алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда Улуғбек Ғиёсов виртуал 3D платформанинг миллий моделини яратиш ва Ўзбекистон олий таълим муассасаларида қўллаш бўйича илмий изланишларни давом эттирмоқда.

## Фармон ва ижро

### ФИЛИАЛДА ҚИШКИ ТАЪТИЛ МАШҒУЛОТЛАРИ БОШЛАНДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида 2020-2021 ўқув йилининг қишқи таътил даврида, яъни 2020 йил 28 декабрдан 2021 йил 9 январга қадар машғулотлар ўтказиш режаси тасдиқланди. Унда вилоят соғлиқни сақлаш ташкилотлари ҳамда прокуратураси ходимлари, филиалнинг тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан маърузалар ўтказилиши белгилаб олинди.

Жадавлга кўра, куни кеча филиалда компютер инжинринги факултети декани Одил Мамарауфов "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида тақдирот қилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил



30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони талабларини бажариш мақсадида, филиал профессор-ўқитувчилари ўртасида спортнинг волейбол ҳамда стол тенниси бўйича қизиқарли мусобақалар ўтказилди.

ТАТУ Самарқанд филиали  
Ахборот хизмати

**Байрам тухфаси**

*“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали тизимидаги Бешкент почта алоқаси тармоғига қарашли “Файзобод” алоқа бўлимида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилди. Бу файзободликларга ўзига хос Янги йил совғаси бўлди.*

**"ФАЙЗОБОД"ДА  
ФАЙЗЛИ АЛОҚА БЎЛИМИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни янада ривожлантириш, телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳуқумат тизимини кенг татбиқ этиш, ҳудудларни рақамли трансформациялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, 2020 йил 5 октябрда “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони тасдиқланган эди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда қўлайлик яратиш мақсадида Бешкент почта алоқаси тармоғининг “Файзобод” алоқа бўлими тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, зарур мебел ва компютер жиҳозлари билан таъминланди.



“Файзобод” алоқа бўлимининг тантанали очилиш маросимини Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимлиги,

вазирлик тизимидаги вилоят соҳа корхоналари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.  
**А.ИСМОИЛОВ**

**МАСЪУЛИЯТ ВА ФАХР**



**“ЭҲТИРОМ НИШОНИ”  
МУБОРАК БЎЛСИН!**

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳамлаш, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳаси билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги тизимли ишларга муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган касабга уюшмаси ходимлари ва фаоллари мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг “Эҳтиром нишони” билан тақдирланиб келинади.

Жорий йилда ҳам мазкур мезонлар асосида турли соҳаларда меҳнат қилиб келаётган 19 нафар ташаббускор касабга уюшмаси ходимлари “Эҳтиром нишони”га муносиб кўрилди. Ана шундай фидойи инсонлар орасида бу юксак мукофотга “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Наманган филиали касабга уюшмаси кўмитаси раиси Бахтиёр Турдиев ҳам лойиқ деб топилди.  
– Кўксимга қадалган бу “Эҳтиром нишони” менга фахр туйғуси билан бирга улкан масъулият ҳам юклайди. Мукофотга муносиб бўлиш учун бор куч-ғайратимни аямайман, – дея ҳаяжонини яширолмай қалб сўзларини билдирди заҳматқаш касабга уюшмаси фаоли Бахтиёр Турдиев.  
**Мукофот муборак бўлсин!**

**➤ СТАТИСТИКА**

**МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИ ҚИЗГИН  
СИЁСИЙ ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА**

*Албатта, аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар уларни рўйхатга олиш асосида олинади. Шунга қараб ўтмиш ва бугун ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш ҳамда келажакни фарзлаш мумкин. Шунингдек, бу аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумот олишнинг ягона манбаи ҳамдир.*

Бундай жараёнлар қадимги Греция, Вавилон, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония ва Мисрда ўтказилган. Лекин, бу аксар ҳолларда солиқ йиғиш, яъни бож олиш ҳамда ҳарбий мақсад учун қаратилиб, фақат эркаклар рўйхатга олинган.

Аҳолини расмий рўйхатга олиш 1790 йил АҚШда, кейинчалик 1800 йил Швеция ва Финляндияда, 1801 йил Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо, бу узоқ муддатга чўзилган. Масалан, АҚШда аҳолини рўйхатга олиш ишлари 18 ой давом этгани ҳақида маълумотлар бор.


XIX асрга келиб, аҳолини рўйхатга олиш кенгайди. Европа мамлакатларида статистика ташкилотлари тузилиб, бу борада илмий дастурлар ишлаб чиқилди. Хусусан, XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоиз аҳоли рўйхатдан ўтказилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин 151та давлатда, 1965-1974 йиллар 179та давлатда аҳоли рўйхати ўтказилган.

Буюк Британияда 1920 йили Қўшма Қиролликда аҳолини рўйхатга олиш қонуни қабул қилинган. Мамлакатда аҳолини рўйхатга олиш ҳар ўн йилда, одатда, апрел ойида ўтказилади.

АҚШ Конституциясининг 1-моддасида: “Вакиллар палатасидаги жойлар ва тўғридан-тўғри солиқлар Иттифоққа кирувчи штатлар бўйича уларнинг аҳолиси сони асосида тақсимланади. Аҳолининг амалдаги сони Қўшма Штатлар Конгресси биринчи мажлисини кейин уч йил мобайнида, кейин ҳар ўн йилда мунтазам ҳисоблаб чиқилади”, деб қайд этилган. Бу каби ҳолат Полшада ҳам мавжуд бўлиб, бунга давлат аҳамиятига молик тадбир сифатида қаралади.

Ҳозир деярли барча давлатларда аҳолини рўйхатга олиш олиб борилмоқда.

Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йил ўтказилган бўлиб, бу оилалар сони, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғи-



лиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йиллар ҳам аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Қонун лойиҳасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг мақсади, тартиби, даври ва муддатларини аниқлаш, унда замонавий технология ва услуб асосида аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларни ушбу жараёнларга қатнашиши учун аниқ механизмлар ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш манбаларини белгилаш, яқиний натижаларни амалга ошириш учун ташкилий-

амалий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни келтириб ўтиш назарда тутилган.

Узоқ йиллар юртимизда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмагани боис аҳоли сони, ёш-жинс таркиби, ҳудудий жойлашуви ва бошқа ижтимоий-демографик ўзгаришлар борасида аниқ маълумотлар йўқ.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сон қарори билан Аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари 2023 йилда ўтказилиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясида аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг мақсади ва асосий вазифалари ёритилган бўлиб, тадбирни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичлари белгиланган.

Шунингдек, тадбирни ўтказишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш йўналишлари инобатга олинган.

**Икромжон ШЕРМАТОВ,**  
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси  
**Юнусобод тумани статистика бўлими бошлиғи**

# ҲАММАСИ ИНСОНЛАР МАНФААТИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН

Ҳар қандай гоё халқ манфаатига хизмат қилиб, инсонларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Амминимизки, ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар соҳадаги бошланғич касабга уюшмалари ташкилотларининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаб, нуфузини оширади ва, энг аввало, меҳнатқашлар муаммоларини ҳал этишда, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда, муносиб меҳнат шaroитини яратиш ҳамда спорт-соғломлаштириш ишларини амалга оширишда маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

2020 йилда дунёга ёйилган коронавирус пандемияси мамлакатимиз олдида ҳам янги муаммо ва талабларни қўйди.

Ана шундай синов даврда касабга уюшмаларнинг фидойий меҳнати, юксак ҳулқ-атвори намунаси намоён бўлиб, улар ва ходимлар ўртасидаги мулоқотни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш, муаммоларини вақтида ҳал этиш, ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, муносиб меҳнат шaroитини яратиш билан бир қаторда соғлиги учун қайғуриш каби вазифалар биринчи ўринга чиқди.

Коронавирус пандемияси шaroитида меҳнат қонунчилигини қайта кўриб чиқиш зарурати ҳам пайдо бўлди. Кўп корхона ва ташкилотлар карантин-чеклов чоралари шaroитида ўз фаолиятларини масофавий тартибга мослаштиришди. Бундай иш тартибига ўтиш ва барча меъёрларга риоя қилишни таъминлаш мақсадида ички меҳнат тартиблари, жамоа шартномаларига ўзгаришлар киритилиб, молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Ходимлар масофавий иш усулида, мослашувчан иш тартибида вазифаларини ўз уйларида, оиласи бағрида бажаришлари учун эркинлик берилди. Масофавий ишга вақтинчалик ўтказилган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда қонун меъёрларига амал қилинди. Ходимлар мослашувчан иш тартибига ўтказилганда уларнинг таътил ҳадвалига мувофиқ меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун ҳужжатларида ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлари сақлаб қолинган. Мослашувчан иш тартибига ўтказилган ходимларга меҳнат ҳақи ишланган вақт ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотта мутаносиб равишда тўланади.

Ходимларнинг ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, хусусан, карантин даврида фарзандларига қараётган ота-оналарни ишдан бўшатшига мулкдор йўл қўйилмади. Уларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси юз фоиз тўлаб берилди.

Қарамогидга вояга етмаган фарзанди бор ходимларга йиллик меҳнат таътилидан фойдаланишининг йиллик режасидан қатъи назар меҳнат таътили тақдим этилди. Кам таъминланган, кўп болали, икки ёки ундан ортиқ болани тарбиялаётган ходимлар ҳамда қарамогиди ота-оналари ногирон ва етимларни тарбиялаётган оилаларга ёрдам кўрсатилди.

Шу даврда бирорта ходим ғимосия қолмади, касабга уюшмалари иш берувчилар билан ҳамкорликда уларни имкон қадар моддий, маънавий, молиявий томондан қўллаб-қувватлади. Энг биринчи навбатда пандемия шaroитида меҳнат қилиб, касалликка чалинган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига барча турдаги кўмак кўрсатилиши қаторида кўп йиллар корхонада ишлаб, ҳозирда нафақада бўлган меҳнат фахрийлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори асосида юртимизда 24 мартдан бошлаб фуқаролар томонидан коммунал хизматлар ҳамда интернет ва телефон алоқаси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширилмагани учун ўчирилганга йўл қўйилмади. Аксинча, карантин даврида мулоқотсиз коммунал хизматлар, интернет, онлайн хизматлар ва етказиб бериш учун тўлов қилиш нафақат хавфсизроқ, балки навбатларда туриш ва бир неча соат нोकда юришдан кўра анча осонроқ бўлди. Шу даврда юртимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб қаракатланишга бўлган чекловлар шaroитида зарур хизматлар учун тўловларни ва харидларни Раўте иловаси орқали масофадан туриб хизмат ва буюртмалар учун тўлов қилишда ботлар «Телеграм» мессенжерлардан фойдаланиш аҳолига қўлайлик туғдирди.

2020 йил 27 август кuni Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институти нодавлат таълим муассасаси конференция залида онлайн видеоконференция алоқа тизими орқали Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабга уюшмасининг навбатдаги Қурултойи ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг 2015 йил август ойидан 2020 йил август ойигача бўлган фаолияти ва келгуси даврдаги стратегик вазибалар муҳокама этилиб, 2020–2025 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ҳамда Уставга киритилмайдиган ўзгариш ва қўшимчалар лойиҳалари юзасидан делегатлар томонидан билдирилган таклиф ва фикрлар негизда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қурултой делегатларига ҳавола этилган маърузада ҳисобот даврида тизимдаги бошланғич касабга уюшмаси ташкилотлари фаолиятида эришилган ютуқлар баробарида пандемия шaroитида ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида юзага келган муаммолар ва йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди. Ана шу камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар белгилаб олинди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан қатор делегатлар сўзга чиқиб, келгуси фаолиятни янада тақомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, бошланғич ва цех ташкилотлари фаолларига амалий ёрдам бериш, иш берувчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, зиддиятлар, низоли ҳолатларни кўриб чиқиш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи тавсиялар, қўлланмалар ишлаб чиқиш таклифи киритилди.

Маълумки, жорий йилнинг март-июн ойларида соҳамизнинг бошланғич касабга уюшмаси ташкилотларида ҳисобот



сайлов йилгилишлари муқобиллик асосида, раҳбарлик лавозимига 2-3 нафардан номзодлар таклиф этилган ҳолда ўтказилди. Жумладан, 180та бошланғич касабга уюшмаси ташкилотларида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциялар якуни бўйича 266 нафар сайланган касабга уюшмаси қўмитаси аъзолари ва 46 нафар касабга уюшмаси қўмитаси раислари, 160 нафар тафтиш комиссияси аъзолари ва 49 нафар тафтиш комиссияси раислари биринчи бор сайланганликларини инобат олиб, улар фаолиятида учраётган муаммоларни бартараф этишда кўмак бўладиган қўлланмалар ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ деб топилди.

Қурултойда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, 2020 йил давомидаги пандемия шaroитида қарамай Республика кенгашининг касабга уюшмаси хизматига олинган 50дан зиёд янги бошланғич ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида тегишли йўналишларни ўз ичига олган услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш бўйича Кенгаш раиси А.Ишанходжаевнинг ташаббуси Республика кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди. Хусусан, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, янгица ишлайдиган бошланғич касабга уюшмаси фаолиятида – миллати, жинси, ёши ва диний эътиқодидан қатъи назар ҳар бир касабга уюшмаси аъзоси учун адолатли меҳнат шaroитини яратиш бериш, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, жамоа шартномаларидаги кафолат ва имтиёзларни тўлиқ амалга ошириш, ишчи-ходимларни, айниқса, ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш каби вазибалар туриши ҳеч кимга сир эмас.

Агарки, бошланғич касабга уюшмаси ташкилоти кучли бўлса, ходим манфаа-

тини ифода эта олса, керак ўринда ҳимоя қилиб, муайян имтиёزلарга эгаллигини таъминласа, тизимнинг юқори турувчи ташкилотларига ҳам келатган ортади, ижтимоий мавқеи юксалади. Ушбу натижага эришиш учун, албатта, бошланғич касабга уюшмаси ташкилотига кўмак, ҳужжат юритиш ишида амалий ёрдам бериш энг оқилона йўлдир.

Шу боис қисқа вақт ичида тизимдаги бошланғич касабга уюшма ташкилотлари фаолиятини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, юзага келатган муаммолар масалаларни ҳал этишда аниқ ва самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабга уюшмасининг янги таҳрирдаги Устави ҳамда "Услубий қўлланма";

Бошланғич касабга уюшма ташкилотларига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши, соҳадаги корхона ва ташкилотларда ишлайётган ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, боқувчисини йўқотган оилаларга тавон ва зарар тўловлари ўз вақтида тўланишини таъминлашга қаратилган "Меҳнат муҳофазасига оид 111 саволга 111 жавоб";

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, ҳуқуқий ҳимояси борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиш мақсадида 2020-2022 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан имзоланган Тармок келишуви, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси билан Тариф келишуви, "Ўзбек телеком" АК билан Ягона жамоа шартномасини китобча шаклида чоп этди.

Мазкур тарқатма материаллар қаторида Ўзбекистон Республикасининг "Касабга уюшмалари тўғрисида"ги Қонун ҳамда касабга уюшмаси хизматига олинган корхоналар меҳнатқашлари учун касабга уюшмаси аъзолик билетлари Янги йил байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги соҳа тизимига қарашли 220дан зиёд бошланғич касабга уюшмаси ташкилотлари ҳамда уларнинг вилоят, туман ва шаҳарлардаги 700га яқин куйи бўғинларига бегараз ҳоимийлик ёрдами сифатида етказилди.

Бугунги кунда бошланғич касабга уюшмаси қўмитаси раисларининг салоҳияти ва ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишда белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида ижтимоий шериклигини ривожлантириш орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун шарт-шaroитлар яратиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда мазкур тарқатма материаллар, албатта, ўз натижасини беради.

**Анвар АҲМЕДОВ,**  
Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари

**Қутлов!**

Реклама ва эълонлар

**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ  
МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУК**

**жамоаси**

**Ватандошларимизни  
Янги йил билан чин  
дилдан табриклайди.**

**Барчангизга соғлиқ, омад  
ва бахт ҳамроҳ бўлсин!**

**Алоқа соҳаси ходимларини  
яқинлашаётган  
янги йил билан қутлаймиз.**

**2021**

**ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ  
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ  
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ  
“ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ”  
филиали жамоаси**

**Халқимизни  
кириб келаётган  
янги йил билан  
табриклайди.**

**2021**

**“Ўзбектелеком” АК  
САМАРҚАНД  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Меҳнаткаш халқимизга  
ЯНГИ ЙИЛ табриklarини  
йўллайди.**

**2021**

**Янги йил барчангизга  
бахт ва омад келтирсин!**

Ҳаётнинг бетакрор қувончлари билан бирга кутилмаган зарбалари ҳам борлигини яхши тушуниб етдик. Ўтаётган 2020 йил асрларга татийдиган синовларни бошга солгани, қанча-қанча сабоқлар бергани ҳам аини ҳақиқат. Одамзоднинг оёқ-қўлларини кўзга кўринмас занжир билан боғлаган давр сифатида, ушбу дарди боло туфайли топганимиздан нўра кўпроқ йўқотишларимиз йили сифатида тарих саҳифаларига муҳрланаётган йил ниҳоясига етиб бормоқда.



# МЕХР-ОҚИБАТ ҲАМ СИНОВДАН ЎТДИ

Бугун эл бошига иш тушган синовли кунларда замондошларимиз қандай тобланипти, деган савол ҳаёлдан ўтиши табиий. Тан олиш керак, карантин эълон қилинган дастлабки кунларда бу кутилмаган ҳолатдан кўпчилик боши берк кўчага кириб қолгандек довдираб қолди.

бир марта берилади. Уни шундай яшаш керакки, токи мақсадсиз ўтказилган йиллар учун ўқиниш, азоб ва армонлар бўлмасин...“ Бу сўзларни биз ҳам ўқувчилик йилларимизда ёд олганмиз. Бугун эл бошига иш тушган синовли кунларда замондошларимиз қандай тобланипти, деган савол ҳаёлдан ўтиши табиий. Тан олиш керак, карантин эълон қилинган дастлабки кунларда бу кутилмаган ҳолатдан кўпчилик боши берк кўчага кириб қолгандек довдираб қолди. Бозорларда тўпланган ярим йиллик захиранинг одамлар ўн беш кун ичида уйларига ташиш ваҳимали кунларни ҳозир эслаш бироз ғалати. Гўёки очкўзлик хуружи авж олгандек эди. “Соҳлар оқаради, тишлар тўкилади, кўзлар кўрмай ва қулоқлар эшитмай қолади – фақат очкўзликка қаримайди”, деган гапнинг маъносини ўшанда яна бир қарра англагандек бўлди.

Тўғри, касаллик бутун дунё эшикларини ёпишга мажбур қилди. Ер шарига малҳам бўладиган, нажот берадиган ҳеч нарса топилмади. Бошларда чарх ураётган ваҳимали ҳаёллар дунё дарвозаларини эмас, ҳатто кўшни кўча, кўшни маҳалла, кўшни хонадоннинг эшикларини ҳам беркитишга мажбур қилди. Тўю томошаларни, машваратларни, қадрдон манзилларни, сеvimли ишларни, азиз инсонлар билан дийдорлашишларни вақтинча унутдик...

Кўп нарсани унутдик, аммо хайриятки, одамайлик унутилмади. (Тўғри, миллатимизга хос бўлмаган дилтангликлар, ноҳушликлар ҳам бўлди. Аммо булар ҳақида ҳозир эсламоқчи эмасмиз.) Чунки оғир кунда охириги нонини ҳам ёрдамга

муҳтожлар билан баҳам кўришга ўрганган халқимиз. Кам таъминланган оилалар ва эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” фонди тузилди. Меҳридарё одамлар ўзлари ёрдамга, мададга муҳтож бўлса ҳам, бу фондга қўлдан келганча мададкор бўлишни фарз деб билди. Бу қадриятларимиз ҳали ҳам миллатимизнинг шаъни каби улуғ эканлигидан далолатдир. Меҳрибонлик ўшандай оғир кунларда яна бир қарра синовдан ўтди.

## Бор бўлинг, меҳри дарё одамлар

Азал-азалдан бир-бирини кўрмаса туролмайдиган, сал бетоб бўлиб қолса кўшнисини тансиқ таом билан кириб кўрмагунча кўнгли тинчимайдиган, Худо кўрсатмасин, бировнинг бошига оғир мусибат ёки жуздорлик тушиб қолгудек бўлса, тунларни бирга бедор ўтказадиган, таскин, тасалли учун сўз тополмайдиган олижаноб халқимиз бор.

Кўнгишлар бир-бирини ғамлардан, қайғулардан ана шундай муҳофаза қилади, ана шундай меҳр туфайли тоғдек армонлар, қайғулар титилиб кетади, андуҳлар тарқалади. Инсон яшаш учун яна куч топади, яна бардош топади. Биз шундай халқимиз. Йиқилгани суяш бизга отабобомиздан мерос қолган. Узимиз ширин сўзга муҳтож бўлсак ҳам, кўнгли яримларни кўнглини тўлдиршига ўрганганмиз. Ҳукуматнинг катта қарвонига қўшилган бу денгиздан томчилар элга мадад, юртга қанот бўлгани аниқ. Зеро... Хайр-эҳсон энг эзу амаллардан бири эканлигини яхши биламиз.

Ўзбекистонимизнинг дарди-га дармон бўлиш барчани яна

кийинган, савоб учун бола-чақасидан орттириб, бу маскан тарбияланувчиларига нон-насиба илиниб келган етти ёт беғоналарни кўриб юракни тўлқинлантирувчи бир илиқ туйғу қалбни эгаллайди. Бугуннинг қийинчиликларини шу тарихқа енгаётган, бахтсизликни бахтга алмаштиришга ҳаракат қилаётган оддий одамларга таъзим қилгиниз келади.

Хуллас, бу хайрли қарвондан ҳеч ким четда қолгани йўқ. Саховатли инсонларни ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда ўнлаб, юзлаб, минглаб учратиш мумкин. Уларнинг кўрсатган ёрдамлари денгиздан бир томчи бўлиши мумкин, аммо у чин юракдан қилинган меҳрибонлик рамзидир. Меҳрибонлик эса ҳаммиша олий туйғу. Бор бўлинг, меҳрибон кўнгишлар, меҳри дарё одамлар!

## Катталарга ўрناق бўлган жажжи қизалоқ

Болалигимиздан қушларга, жониворларга озор бермаслик ҳақида катталардан дарс олганмиз. Қорда қолган гулларга, кўчада совуқдан қалтираб турган жониворларга, ўзига бошпана излаётган қушларга доимо раҳимимиз ва ёрдам бергимиз келган.

Онаси мактабда танаффусда тамадди қилиши учун сумкасига солиб юборган егуликни йўлда совуқда қолган мушукчага бериб жониворга ғамхўрлик қилган қизалоқ 2020 йилда кашф этган қаҳрамонларимизнинг энг кичиги. Зарафшон шаҳридаги 4-умум-таълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Жанерки Эрназарова уйсиз ҳайвонларга меҳрибонлик кўрсатгани учун кўпчиликка намуна бўлди. Унинг митти юрагида катта меҳр ва шафқат борлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Қизалоқ кафтедек юраги билан одамайликнинг баланд қояларига интиляпти. Ҳар биримиз ундан ўрناق олиш, унга ҳавас қилиш, уни қўллаб-қувватлаш ва эъозлашга бурчлимиз! Айниқса, табиатнинг ноёб мўъжизалари бўлган гўзал жониворларни нафс тузоғига илтирайётган айрим кимсалар бу жажжи қаҳрамондан ўрناق олса деймиз.

Бугун гоҳ ёруғ, гоҳида қоронғу йўллар қарвонидамиз. Аммо яхшилик ҳали бизнинг ёнимизда, бизнинг қаршимизда, бизнинг кўнглимизда эканлигини ҳис этиб турибмиз. Бахт ва умид эпкинларидан қалбимиз энтиқ-энтиқки нафас олаёطمиз. Нигоҳимиз кундан-кунга юксалиб бораётган одамайлик қояларини кўзлаётганидан хурсандмиз.

Бор бўлинг, яхши одамлар!

Маруса ҚОСИЛОВА,  
журналист

## Инсондаги энг қимматли нарса, бу – ҳаёт!

Таниқли ёзувчи Николай Островскийнинг “Пўлат қандай тобланди?” деб номланган машҳур романини яхши биласиз. Асардаги куйидаги сатрларни кўпчилик ёддан билиши аниқ: “Инсондаги энг қимматли нарса бу ҳаётдир. У инсонга фақат

Туя сўйиб, элга тарқатган самарқандлик танти инсон билан замондош эканлигимиздан чексиз гурурландим. Самарқанд вилояти Нуробод туманида истиқомат қилувчи Раҳмон Маҳмудов тўй қилганда ҳам туя сўймаган. Аммо халқимиз бошига тушган бу оғир синовли кунлар унинг ҳам юрагини ўпириб юборгандек бўлди.



# 2020 ЙИЛ


## ТЕХНИКА ОЛАМИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

2020 йил глобал пандемия натижасида жуда оғир кечгани рост. Бироқ бу технология, хусусан, гаджетлар оламида бир қатор янгиликлар рўй беришига тўсқинлик қилмади. Йил якуни арафасида esquire.com жорий йилнинг энг янги ва қизиқарли гаджетлари ҳақида мақола эълон қилди. Қуйида мазкур мақоланинг биринчи қисмини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



**Moto Razr 5G**

Apple, Samsung ва Google ўртасидаги шиддатли жанг сафига яна бир асосий ўйинчи – қахрамон Motorola ўзининг классик имзоси ҳисобланган Razr телефони билан қайтди. Razr iPhoneдан олдин, айнан iPhone мавқеида бўлган. Ушбу янги қурилмада қатланувчи экран мавжуд. Ички экрандан ташқари, у шунингдек, олд томонида кичик экранга эга бўлиб, у хабарнома маркази сифатида ишлатилиши, шу билан бирга, ундан ўйин ўйнаш ва видео томоша қилиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.



**Puppy Hachi Infinite M1 проектори**

Пандемия сабаб кинотеатрлар оммавий ёпилгандан кейин одамлар ўзларининг ҳовлилари ва яшаш хоналарини турли томошалар учун проекторлар билан жиҳозлашга киришди. Одатдаги проекторларни уйга ўрнатиш мураккаб бўлиб,

қўшимча ускуналарга эҳтиёж сезилади. Hachi Infinite ушбу муаммони Netflix ва Hulu каби дастурлар орқали Android тизимидаги планшетларда ҳал қилди. Натижада, USB-C to HDMI кабиларга эндиликда эҳтиёж сезмайсиз. Hachi Infiniteнинг яна бир ўзига хослиги бу унинг сезирлигидир. Горизонтал равишда ўгирилганда проектор деворга ёки чойшабга нормал ишлайди, лекин вертикал равишда ўгирилганда ҳар қандай сирт устида нурдан ясалган сенсорли экран ҳосил бўлади.



**Alpha 7C Mirrorless рақамли камераси**

Жорий йилда Sonyнинг Alpha 7C рақамли камераси катта бозорларга чиқди. Ушбу 24,2 мегапикселли, тўлиқ рақамли фотоаппарат ҳозирча дунёдаги энг кичкина ва енгил мантяга даъво қилиши мумкин. Қурилмадаги автоматик функцияларни ҳам эътироф этса бўлади.

**Googleдан смарт рюкзак**

Google биринчи марта кийиладиган Jacquard технологиясини Levi ва юқори даражадаги Saint Laurent рюкзакка бириктирди. Мазкур ақлли рюкзак SAMSONITE компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Рюкзакнинг ўзига хослиги унда рўқча ичиға уланган бош бармоғидан кичикроқ чипнинг мавжудлигидадир. Кранлар ёрдамида кўшиқларни ўтказиб юбориш, овоз баландлигини ошириш, кўнғироқларга жавоб бериш ва бошқа қўшимча нарсаларни қила оласиз. Энг яхши томони шундаки, ушбу чипни олиб ташлаб рюкзакни ювишингиз мумкин.




**Liteboxer Fitness анжоми**

Liteboxer Fitness анжомини 2020 йилнинг яна бир муҳим кашфиётларидан бири сифатида айтиш мумкин. Liteboxer Fitness жисмоний машқларни қилиш билан бир қаторда жараёни қизиқарли ва тўғри ўтказишга ёрдам беради. Яъни, қурилманинг юз қисмида ёниб турувчи тугмачалар мавжуд. Бу сизга жисмоний машқларни боксга тушиш орқали амалга ошириш имконини беради.

**CleanPod UVC стерилизатори**

Бу қўлда ишлатиладиган стерилизатор. Сиз ундан ультрабинафша нурлари ва микробларни йўқ қилиш учун деярли ҳамма нарсага йўналтиришингиз мумкин. Шунингдек, CleanPod UVC стерилизаторидан озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб то юкларгача тез санитаризация қилиш учун янги ва ноёб воситадир.



**Yeti USB Mic**


Сиз ҳали ҳам симли Apple мини-гарнитураларингизда ўрнатилган микрофон орқали гаплашмоқдасиз. Бу анчайин ноқулай. Жорий йил яратилган Yeti USB Mic микрофон орқали эса сиз аниқроқ эшитасиз ва турли видеоконференция алоқаларида гуруҳингиз бунинг учун миннатдорлик билдиради. Yeti USB Mi ҳамёнбоплиги ва қадоклаш сифати билан фарқ қилади. Микрофон столда бемалол ишлайди ва овоз баландлигини сошлаш учун бир нечта тугмачалар бор. Бу сизнинг рақамли овоз сифатингизни ўн баравар оширади.



**Nanoleaf шакллари: олти бурчакли ақлли тўплам**

Nanoleaf жорий йил истеъмолчилар учун интерактив ёритиш ускунасини тақдим қилди. Учбурчак ва тўртбурчаклардаги деворларнинг ёруғлик панеллари тўпламини кенгайтириб, Nanoleaf энди ўз каталогида олти бурчакларга эга. Ушбу чироқлар нафақат ажойиб ранглар ва нақшларни яратишга қодир, балки улар тегишга жавоб беради ва ҳатто сизнинг ақлли уй бошқарувингиз сифатида ишлайди.

Шунингдек, Nanoleaf реактив функцияни амалга оширди, бу орқали энди телевизорингизда содир бўлаётган воқеаларга қараб олти бурчакнинг ранги ўзгаради.



**Pixel Buds**

2020 йилнинг яна бир бебаҳо ихтиролари сирасига Pixel Budsни келтирса арзийди. У қулай эшитиш воситаси бўлиб, телефонлар ва операцион тизимлар ўртасида жуда кўп қиррали хусусиятларга эга. Овоз сифати ва батареянинг ишлаш муддати сиз кутган барча нарсаларни тақдим этади.

Шу билан бирга, унинг ёрдамида мусиқадан муаммосиз видеоқўнғироқларга ўтиш, фон шовқинларини камайтириш мумкин. Унинг қобиксимон шакли эса, узоқ вақт қувватни ушлаб туради.

Улбўсин АМАНОВА,  
Фаллаорол тумани 51-мактаб ўқитувчиси

## "РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ" ДУК жамоаси

Юртдошларимизни ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси ходимларини 2021 йил - "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" билан табриклайди. Жонажон Ватанимиз равнақ топаверсин. Хонадонингизда ҳамиша кулгу жарангласин.

# 2021

**Ўзбекистон Республикасида фуқаролик паспорти ўрнига ID-карта кўринишидаги шахсни тасдиқловчи ҳужжат бериш бошланади. Бунда фуқароларнинг биометрик паспортларини ID-карталарга алмаштириш 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида, 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга оширилади. 2011 йилги намунадаги биометрик паспорт 2031 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.**

# 2021 йил 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРАДИ

Ўзбекистон фуқаролари хорижга фақат “қизил паспорт” билан чиқиши мумкин бўлади.

Фуқаролар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга туриш юзасидан ўзларига қулай бўлган туман (шаҳар) ички ишлар органлари ёки Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишлари мумкин бўлади.

Давлат ташкилотлари томонидан давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдами тақдим этишда фуқаролардан 11 турдаги ҳужжатларни талаб этиш тўхтади.

**Фойдаланиш муддати 15 йилдан ортиқ бўлган автобусларда йўловчиларни ташиш тақиқланади.**

Жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тadbirkorлик субъектлари (юридик шахслар) томонидан амалга оширилиши мумкинлигига оид ҳужжат қучга киради.

Босқичма-босқич равишда мажбурий тиббий сугурталаш тизими жорий этилади.

**Ҳукумат қарори билан тасдиқланган боғжона йиғимлари ставкалари қўллана бошлайди.**

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиши ва ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишда шакллантирилади ва амалга оширилади.

**Таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш бўйича президент фармонида биноан:**

- олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан ишлаш учун келган олий маълумотли мутахассисларга БҲМнинг 50 бараварида бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жой ижараси учун БҲМнинг 2 бараварида ҳар ойлик пул компенсацияси берилади;

- таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили ҳудудлар кесимида умумтаълим муассасаларининг рейтингини тузилади;

- умумтаълим муассасалари директорларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш тегишли халқ таълими бошқармалари томонидан тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижга чиқиб кетаётган шахслар ишга юборилишидан олдин давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ўқитилади.

Барча судларда суд мажлислари тарафларнинг илтимосномаси ва учин



лик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб борилади ҳамда суд мажлислари баённомалари ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

Қишлоқ врачлик пункти оилавий шифокор пункти деб, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаси эса оилавий поликлиника деб қайта номланади. Шунингдек, оилавий шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлиги бўйича янги рейтинг тизими жорий қилинади ҳамда унинг натижаларига қараб ушбу ходимлар ҳар чорақда БҲМ 10 бараваридан 30 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

40 ва ундан юқори ёшдаги фуқароларда юрак қон-томир хавфини (гипертония, инфаркт, инсульт, қандли диабет ва бозқа хавф омилларини) аниқлаш бўйича тизимли равишда скрининг текширувлари ўтказилади.

Ҳар бир туман маркази ва шаҳарларда пиеда ва велосипедда юриш учун “Саломатлик йўлакларини”ни куриш ишлари бошланади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг расмий веб-сайти бўлиши, унда иқтисодий, молиявий ва бошқа статистик маълумотларнинг, шу жумладан, ҳар чорақда йиллик бизнес-режанинг бажарилиши ва ривожланиш стратегияларида назарда тутилган дастурабинг натижалари тўғрисидаги ҳисоботни жойлаштириш мажбурий бўлади.

**Яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш мақсадида:**

1. 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тadbirkorлик субъектларининг банк карталари ва контактсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жис

моний шахслардан олинган даромадлари умумбелгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмаслиги тартиби жорий этилади;

2. риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 25 фоиздан 13 фоизгача пасайтирилади;

3. қурилиш корхоналарига ҳисобот даври учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди жами миқдорининг 10 фоиздан ошмаган ҳажмда (ижтимоий солиқ суммасини ҳисобга олмаганда) иш ҳақини нақд пулда тўлаш ҳуқуқи билан шартнома тузмасдан муддатли равишда ишчилар ёллашга руҳсат берилади.

**Барча аукцион савдолари натижалари QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштирилади.**

Марказий телеканалларда “Тилга эътибор”, “Она тилида сўзлашамиз”, “Но-тиқлик маҳорати”, “Тил – миллат кўзгуси”, “Китоб билим манбаи”, “Билимли ёшлар – келажак бунёдкори” каби туркум кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиниб, мунтазам равишда эфирга уза-тиб борилиши йўлга қўйилади.

Тadbirkorлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда олинадиган давлат божи маблағларининг 20 фоизи Савдо-саноат палатасига йўналтирилади ҳамда давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг Савдо-саноат палатасига йўналтирилади-дан қисми 3 фоиздан 5 фоизгача оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Меҳрибонлик” уйлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларида ўзгаришлар бўлади.

Молия вазирлигининг бир қатор функциялари Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатасига ўтказилади.

Машиий чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш учун мажбурий тўлов тарифларини тасдиқлаш тартиби ўзгаради. Бундан ташқари, аҳоли томонидан юборилган экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар кўриб чиқилади ҳамда уларни юборган шахслар ҳуқуқбузардан ундирилган жариманинг 15 фоизи миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг амалдаги ойлик иш ҳақларига кўшимча равишда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлганда лавозим маошига — 30 фоиз, фан доктори (DSc) илмий даражаларига эга бўлганда — 60 фоиз ҳар ойлик устамалар белгиланади.

**Давлат иштирокидаги 9та корхонада тажриба (синов) тариқасида монополияга қарши комплаенс тизими жорий этилади.**

Ўзбекистон Республикаси боғжона чегараси орқали олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калага учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан — 0,1 АҚШ доллари ва 2025 йил 1 январдан — 0,2 АҚШ доллари миқдорда йиғим ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам “Манзил” тизими орқали амалга оширилади.

Шифокорлар учун ҳар 5 йилда ма-лака тоифасини олиш бўйича мажбурий аттестациядан ўтиш тартиби киритилади, шунингдек, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш учун тўлов бекор қилинади.

**Шифокорлар ва провизорларнинг Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасида рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиши тақиқланади.**

Ноширлик ва матбаа корхоналарининг босма маҳсулотларини реализация қилишдан тушган тушумдан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги “Ижод” фондига ажратмалар ўтказиш бекор қилинади.

Қурилиш соҳасидаги давлат харидлари тартибида ўзгаришлар бўлади.

Давлат хизматларини аҳоли гавжум бўлган ва жамоат жойларида ўрнатиладиган интерактив инфокиосклар орқали ўзига ўзи хизмат қилиш тамойили асосида кўрсатиш тартиби жорий этилади.


Иссиқлик қувурларини реконструкция қилишда мажбурий тартибда иссиқликни сақловчи, шу жумладан, пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли ва химоя қобилигига ўралган, каналсиз ётқириш имконини берувчи қувурлар ишлатилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида жамоат транспортида йўловчи ташиш учун йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилади.

Давлат фуқаролик хизмати назарда тутилган республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш очик мустақил танлов асосида амалга оширилади.

TOSHKENT  
YOSHLAR  
FORUMI  
2020

# ЁШЛАР ЖАМИЯТНИНГ ЎЗАГИ ВА БЕЗАГИ



Давлатнинг истиқболи, халқнинг иқболи ўсиб келаётган ёш авлоднинг онг-у тафаккури, шижоати, интеллектуал ва жисмоний салоҳияти билан боғлиқ. Шундай экан, ёшларнинг муаммолари, дунёқарashi, талаб-истаклари, қизиқишлари билан қизиқиш ва имкониятлар яратиш, имтиёзлар бериш мамлакатнинг келажагини ўйлаш демакдир.

Бу борада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан бирга, айниқса, уларнинг уюшмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга ҳизмат қилувчи “Ёшлар мурожаати” электрон платформасини яратилиши бора-сидаги тақдир жуда кўплаб муаммоларнинг ечилишига замин ҳозирлаши, шубҳасиз.

Мамлакатимизда илк бор Тошкент шаҳридаги “Нито агепа” саройида Ўзбекистон ёшлари форумининг ўтказилиши ва унда Президентимизнинг иштироки эди, нутқ сўзлаши худди шу маънода катта аҳамият касб этгани аниқ. Бугунги ёшлар кечаги ёшлар эмас, интеллектуал юқори, давр янгиликлари ва замонавий технологиялар билан ошна авлод. Улар табиатида янгиликка ўчлик, инновацион ихтироларга мойиллик кучли.

Президент ёшларга кучли мотивация бераркан, улардаги ғайрат-шижоатдан куч-қувват олишини, кўнгли тоғдай кўтарилишини таъкидлаб, уларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлашни эътироф этдилар. Ҳар қандай исплохотлар ёшларга бўлган ишонч билан қабул қилинаётгани ҳам рост. Учинчи Ренессанс пойдеворининг яратилиши ҳам ёшлар билан, ақлан, руҳан, жисмонан соғлом авлод билан экани ҳақ. Оила, мактабга таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлгуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисобланиши қайд этилди.

Ёшлар форумида Президент бундан буён вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, вазирлар ва бошқа масъул раҳбарлар жойларда ёшлар билан учрашувларни доимий равишда ташкил этиб боришлари борасидаги фикри айни муддао бўлгани рост. Ёшлар ўз дард-у ташвишларини, режаларини эндиликда бемалол айтиши мумкин бўлади. Чунки, уларни эшитиш истиқболга ишонч, улар қалбда исплохотлар сари дадил одимлаш руҳини уйғотади. Умидсизлик ва ишончсизлик эса улғувор мақсадларни амалга оширишга ёвдир.

Шунингдек, форумда фарзандларнинг ҳунар ўрганишга иштиёқини кучайтириш, “устоз-шогирд”лик аъёнасини қайта ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди. Чунки, устоз - шогирдлик аъёнаси - тараққиёт тантанаси экани асло, унутмаслик керак.

Бу борада Ахборот техноло-

гиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан бирга, ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга ҳизмат қилувчи “Ёшлар мурожаати” электрон платформасини яратилиши борасидаги тақдир жуда кўплаб муаммоларнинг ечилишига замин ҳозирлаши, шубҳасиз.

Форумда таъкидланган жуда кўп муаммоларнинг ечимига бевосита таъсир кўрсатадиган бир масала хусусида мулоҳазаларни билдиришни муҳим, деб ўйлаймиз.

Эътибор қилинг. Ёшларимизга ижобий мотивация бериш, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида зарур билимларни етказиш, уларга тадбиркорлик асосларини ўргатиш, ўзларининг бизнес лойиҳаларини мустақил равишда эмин-эркин айтиб бера олишлари учун муаммоларнинг калити — мулоқот ва муомала маданиятидир. Мулоқотнинг калити нутқ бўлса, муомаланинг калити хулқидир. Нутқий ва хулқий маданиятга эга бўлмаган шахснинг ижтимоий ҳаётда ўрни ҳам, нуфузи ҳам бўлмайди.

Президентимиз жорий йилнинг ўтган 11 ойида ёш оилалар ўртасида 25 минг ажримлар қайд этилгани, бу салбий ҳолат барчамизни жиддий безовта қилиши ва қаттиқ ташвишга солиши кераклиги борасида сўзлай туриб, “25 минг ажрим — агар ҳар бир оиланинг камида уч нафар аъзоси бўлса, бу — 100 минг одам ҳаётининг барбод бўлгани эмасми?! Бунинг оқибатида қанчадан қанча бегуноҳ болалар тирик етим бўлиб қолади. Қанча инсоннинг тақдирини издан чиқиб, сарсон-саргардон бўлади”, — дея кутотади. Умидсизлик ва ишончсизлик эса улғувор мақсадларни амалга оширишга ёвдир.

Оилавий масалалар ва ажримларга назар ташлайдиган бўлсак, ноҳўя айтилган бир сўз ёхуд ўринсиз таъна-дашном, ахлоқсиз хатти-ҳаракат ахйир, кўнгли қолишига, орага совуқлик тушиб, ҳатто ажралишга ҳам сабаб бўлмоқда. Наҳотки, асрлар давомида тинч — тотув яшаб келган бобо ва момоларимизга хос бўлган мулоқот ва муомала ма-

даниятини, муошарат одобини унутиб қўйган бўлсак. Бу муҳим масалага лоқайдлик ва эътиборсизлигимиз натижасидир.

“Нега мана шу оилаларни сақлаб қолиш учун маҳаллада ҳаракат қилмадик, ёшларга тўғри йўлни кўрсатмадик? Кўпни кўрган мўътабар нуронийларимизга, оқила ва меҳрибон оналаримизга мурожаат этмоқчиман. Бу оғриқли масалада бизга ёрдам беринглар, деб илтимос қилман”, — дея Президентимизнинг куонишигача олиб бордик.

Психологиянинг услубларини кенг жорий эта оладиган мутахассисларга, гермевтик салоҳияти бор бўлган устозларга имкон берайлик, уларнинг тажрибасидан, нотиклик маҳоратидан унумли фойдаланайлик. Бундай муаммоларнинг кескин камайиб кетиши тайин.

Буюк аллома боболаримиз хоҳ табиий, хоҳ ижтимоий фанлар билан шуғулланган бўлмасин, муошарат одобини, илми балоғани — воизлик санъатини обдон эгаллашган. Шу боис фан ва маданиятга оид жаҳоншумул ихтироларни инкишоф этишган. Буюк аждодимиз Ал-Хоразмий-Испаниянинг Мадрид шаҳридаги 500 йиллик тарихга эга нуфузли Компютенсе университетида ҳайкалнинг ўрнатилиши Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимизга, унинг қадимий тарихи ва бой илмий меросига кўрсатилган юксак ҳурмат рамзи бўлди.

Президентнинг ушбу ўғити ёшлар учун ибрат ва сабоқ бўлиши лозим: “Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!”

Дунёда глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда барча соҳаларда юксак билимли кадрларни тайёрлаш, тараққиётдан орда қолиб кетмаслик учун мустақил фикри ва ўз нутқи эга ёшларни камолга етказиш зарур. Негаки, тафаккури теран ўз қарашига эга бўлмаган ёшлар инновацион ихтироларни яратишга қобил бўла олмайдилар. Таълим тизимидаги туб исплохотлар, хусусан, Президент ва ижод мактабларини ташкил этишдан мақсад

ҳам ана шунга йўналтирилган.

Маърузада 2021 йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида “Булажак олим” танловини ташкил қилиш, бунинг учун ёшларнинг энг яхши инновацион ҳамда стартап лойиҳаларига 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши қайд этилди.

Шунингдек, ёшларимизнинг лидерлик қобилиятини кучайтириш, уларнинг фаоллигини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илгор иш тажрибаларини оммалаштириш учун “Камалат юлдузлари”, “Илмнинг энг фаол ёшлар етакчиси”, “Йил сардори” каби кўрик-танловларни ўтказиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ва ташкилотчилик қобилиятини янада юксалтириш назарда тутилган экан, бу ҳам ўз-ўзидан мулоқот ва психологиянинг методларини чуқурроқ эгаллашлари лозимлигини билдиради.

Тарғибот ва ташвиқот қуроли бўлган сўздан, турли мақсадларда фойдаланиш кучайган инфоформацион даврда “мия ҳужуми” сифатида нўтқдан гаражи мақсадларда фойдаланаётган ёт ғоя-ёв ғоялар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу борада ҳам нутқий маҳоратни эгаллаш кундалик ва долзарб масала сифатида юзага чиқади.

Давлат раҳбари ўз маърузасида “Хозир бутун дунёда терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидлар интернет маконига кириб, мослашиб олган. Шунинг учун уларга қарши курашиш осон кечмаяпти, мана шундай мафрувий кураш шароитида ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар бир масалада аввало Ватан манфаатини ўйлаб иш тутуши зарур”, — дейишлари бежиз эмас.

Ёшларни Ўзбекистонимизнинг ўзаги деганда, мамлакатимиз тараққиётининг барча жабҳаларида, турли исплохотларни изчил амалга оширишда фаол бўлган авлодни тушунсак, беэзаги деганда, кўзимизни қувонтириб, қалбимизни яйратадиган ўзларининг интеллектуал ва жисмоний салоҳияти билан ҳавас ва ҳайратимизга боис бўлувчи тиршоққ, изланувчан ҳамда интилувчан ёшларни англаймиз. Булар эса Президентимиз айтганидай, келажагимиз ворисларидир.

Раҳимбой Жуманиёзов,  
ТИҚХММИ доценти,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси

# ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ ЕДИНОЙ СИСТЕМЫ ГОСЛУЖБЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 год в Республике Узбекистан объявлен Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. В связи с этим, в последнее время в Узбекистане принят ряд нормативно-правовых актов и организационных мероприятий по широкому внедрению современных информационно-коммуникационных технологий во все отрасли и сферы, прежде всего, в государственное управление.

В связи с тем, что цифровая экономика видоизменяет практику регулирования, соответственно реконструируется и работа государственных органов, в том числе и в кадровой его подсистеме.

Концепция административной реформы (принятая Указом Президента от 08.09.2017 года УП 5185) определила одним из шести направлений реформирования системы государственного управления именно "формирование эффективной системы профессиональной государственной службы, введения действенных механизмов противодействия коррупции в системе органов власти".

Агентством развития государственной службы при Президенте РУз разработана Единой электронной информационно-аналитической системы государственной гражданской службы (далее - Единая система госслужбы Республики Узбекистан).

Основными задачами Единой системы госслужбы Республики Узбекистан являются обеспечение функционирования системы государственной гражданской службы, четкое определение статуса государственных служащих, формирование действенной системы приема, прохождения и прекращения государственной гражданской службы, повышение профессионализма и компетент-

ности государственных служащих, усиление их ответственности за соблюдение возложенных на них должностных обязанностей.

Кроме того, в Единой системе госслужбы Республики Узбекистан реализованы: подсистемы оценки соответствия специальности, знаний сотрудников и претендентов квалифицированным требованиям для замещения должностей; сервисы дистанционного и интерактивного обучения и повышения квалификации сотрудников.

Также Единой системе госслужбы Республики Узбекистан взаимодействует с другими информационными системами, как показано на рисунке.

В итоге можно отметить, что Единая система госслужбы Республики Узбекистан обеспечивает эффективную реализацию:

- координации деятельности государственных органов и организаций в сфере государственной кадровой политики;
- осуществления мониторинга и анализ тенденций и перспектив развития государственной гражданской службы с выработкой

## ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ С ДРУГИМИ ИНФОРМАЦИОННЫМИ СИСТЕМАМИ



предложений по устранению проблем и вызовов в данной сфере;

- инновационных методов управления персоналом и развития человеческих ресурсов, основанных на принципах открытости, профессионализма и подотчетности;
- управления Национальным кадровым резервом, ведение Государственного реестра должностей государственной гражданской службы, а также создания и ведения единого открытого портала вакантных должностей государственных гражданских служащих;

- внедрения системы измеримых индикаторов (ключевых показателей) оценки эффективности деятельности государственных гражданских служащих и анализ их результатов, изучение общественного мнения и формирование открытого рейтинга руководителей государственных органов и организаций;

- проведения системной работы по выявлению и привлечению

квалифицированных и высококвалифицированных специалистов;

- организации открытого независимого конкурсного отбора наиболее перспективных кадров на государственную гражданскую службу;

- формирования базы данных о государственных гражданских служащих с обеспечением безопасности их персональных данных;
- оказания содействия в защите прав и законных интересов государственных гражданских служащих в их взаимоотношениях с работодателями, а также создании достойных условий для их трудовой деятельности и социальной защиты.

В настоящее время к Единой системе госслужбы Республики Узбекистан подключаются государственные органы, оказывается им практическая и консультационная помощь.

**Дониёр ФАЙЗУЛЛАЕВ,**  
начальник управления обеспечения информационной безопасности АРГС при Президенте Республики Узбекистан

## ТЕХНОТРЕНДЫ 2021 ГОДА

### РАБОТА ДОМА И МАШИНЫ БЕЗ ВОДИТЕЛЕЙ

Следующий год может оказаться некомфортным для боссов крупнейших технологических компаний планеты. Власти стран пытаются обуздать их огромную власть и возможности контроля. Поэтому Facebook, Amazon, Apple и Google стали фигурантами антимонопольных исков. Эти процессы могут стать ключевыми в 2021 году. Однако следующий год также готовит еще несколько заметных технологических трендов.

#### Охота на технокомпания

В последние недели 2020 года Google, Facebook, Amazon и Apple оказались под прицелом антимонопольных органов нескольких стран, включая США и Европу.

В США, например, подали на Facebook в суд, обвиняя ее в антимонопольном поведении, незаконном выкупе конкурентов и их подавлении. Google обвинили в монопольном положении на рынке онлайн-рекламы и интернет-поиска.

В декабре 2020 года Европейская комиссия обнародовала черновик закона Digital Services Act and Digital Markets Act, который в корне изменит принципы регулирования техногигантов.

Другие страны также принимают антимонопольные законы или другими способами борются с доминированием и властью техногигантов. В ответ технокомпании говорят, что работают в конкурентной среде и предоставляют сервисы, которые возможны только от очень крупных фирм.

Чем закончится противостояние, пока неизвестно, ведь оно только началось. Существует ожидание, что техногигантам придется делить свой бизнес на меньшие куски.



#### Электрическая инновация

2020 год оказался неудачным для авиационной отрасли - значительное количество самолетов оказалось прикованным к земле без права летать. Однако исследования продолжались, и поэтому в следующем году можно ожидать прорыв в электрической авиации.

Airbus, например, представил три концептуальных самолета, которые питаются водородом. В 2021 году электролиты также представит Rolls-Royce. Машины будут называться Spirit of Innovation и должны побить имею-

щиеся рекорды скорости для электросамолетов.

#### Изменения в торговле

Торговля в 2020 году также значительно пострадала, и в 2021 году можно ожидать ее переформатирования. Это распространение магазинов без кассиров, увеличение популярности онлайн-новых систем оплаты. Также магазины будут внедрять новые технологии и отслеживать реакции потребителей.

#### Работа из дома останется

Пожоже, многие в 2021 году продолжат работать в домашней обстановке вместо обязательных визитов в офис. Почти 60% боссов в Северной Америке и Западной Европе, по данным CCS Insights, считают, что дома продолжат работать 25% сотрудников. Часть остальных сможет работать в офисе не всю рабочую неделю.

#### Автономные автомобили

Tesla уже начала предлагать полный автопилот по подписке. Количество машин, которые могут ездить самостоятельно, в следующем году будет расти, и соответствующие сервисы перейдут из экспериментального режима в коммерческий.


# 2021 ЙИЛДА КУТИЛАЁТГАН ТЕХНОЛОГИЯ ТРЕНДЛАРИ

Келгуси йил дунёнинг йирик технология компаниялари раҳбарлари учун ноқулай келиши мумкин. "Facebook", "Amazon", "Apple" ва "Google"нинг эгаси "Alphabet"ни жиловлашга бўлган уринишлар кучайиб бормоқда. Айниқса, АҚШ ва Европада расмийлар бозорда рақобат муҳити масаласида қаттиқроқ позиция эгаллаши ва бу 2021 йилда муҳим жанг майдонига айланиши мумкин. Аммо агар сизнинг технология билан боғлиқ муаммоингиз уйга дахлдор бўлса, келаси йил сиз учун ижобий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Уйда ишлашни қулай ва хавфсиз қилишга ёрдам берадиган янада кўпрок технология ва хизматларни кутинг.

## Электр инновация

Бу йил аэрокосмик сонаот учун оғир йил бўлди. Авиақатновлар камайиши билан бу сонаотнинг асосий мижозлари бўлмиш авиакомпаниялар ўз буюртмаларини бекор қилди ёки кечиктирди. Бундай кўрқинчли тушга қарамай, компаниялар тадқиқотлар ва ривожланишга, айниқса, атроф-муҳитга зарари камроқ учоқларни ривожлантиришга содиқ эканликларини айтмоқда. Сентябр ойида "Airbus" водород билан ҳаракатланувчи учоқ дизайнини тақдим қилди.

Келаси йили "Airbus" Германия, Франция, Испания ва Италия билан ўрта



баландликда узоққа учувчи катта дронни ривожлантириш бўйича битим имзолаши кутилмоқда. "Евродрон" деб аталувчи бу учувчисиз аппарат 2025 йили парвоз синовларини ўтказиши режаланган.

Шунингдек, 2021 йилда "Rolls-Royce" компаниясида "Инновация руҳи" деб номланган электр учоқ ишлаб чиқарилиши мумкин. Компания бу қулай машина электр учоқлар тезлиги учун жаҳон рекорди – 450 км/соатни янгилашига умид қилмоқда.

## Уйдан ишлаш технологиялари

Афтидан уйдан ишлаш анъанага айланади. "CCS Insights" учун ўтказилган сўровномада Фарбий Европа ва Шимолий Америкадаги бизнес етакчиларнинг 60 фоизи пандемия тугагандан сўнг ҳам ўз ходимларининг 25 фоизи, айрим ҳолларда ҳаммаси каммида қисман уйдан ишлашни кутаётган экан.

Аксар катта компаниялар аллақачон ходимлари уйдан ишлашига ўрганиб бўлди. Октябр ойида "Dropbox"

барча ходимлари уйдан ишлаши мумкинлигини айтди, "Twitter" ҳам айни тартибни жорий қилди. "Microsoft" ва "Facebook" ходимларининг катта қисми домий уйдан ишлаши мумкинлигини билдирди.

Бу технология фирмалари фойдаланса бўладиган янги бозордир. Интернет провайдерлар ва технология фирмаларидан уйда ишлаш бўйича қулайлик яратадиган янги хизмат пакетларини кутсангиз бўлади. "Уйдан ишлаш масаласига келганда хавфсизлик энг асосий муаммога айланади ва бу ҳам бир хизмат пакети. Бу балки алоҳида линия тортиш, алоҳида рутер ишлаши ёки рутер хавфсизлигини таъминлаш бўлиши мумкин. Ёки технологик қувватлов бўлиши мумкин. Кичик фирмаларда масофадан ходимларнинг компютерига хизмат кўрсатадиган ходимлар бўлмайди", – дейди "CCS Insights"нинг прогнозлаш бўйича вице президенти Марина Койтчева.

Шунингдек, уйдан ишлаётган ходимларнинг бирга ишлашни қулайлаштирувчи дастурий таъминотлар ҳам кўпайишни кутиш мумкин. "Miro" ва "Mural" каби рақамли доскалар анча оммалашди. "Mural" шу йилнинг ўзида фаол мижозлари сонини миллионга оширволди.

У ходимларга лойиҳанинг ҳар ким ўзгарилиши, қўшимча қилиши мумкин бўлган визуал чизмаларидан фойдаланиш имконини беради.

## ГРУЗИН ОРЗУСИ — ДЕМОКРАТИК ГРУЗИЯ

Грузия парламенти "Грузиянинг ташқи сиёсати тўғрисида" деб номланувчи резолюцияни қабул қилди. Парламент сайтида эълон қилинган ҳужжатда таъкидланишича, мамлакат ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзоликка интилиш бўлади.

Мазкур резолюция "Грузин орзуси – демократик Грузия" партияси сайловолди кампанияси чоғида ваъда берганидек, мамлакат 2024 йилда Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун ҳужжатларни топширишга тайёр бўлишига кўмаклашиши айтилмоқда.

Август ойида, Россия ва Грузия ўртасида беш кунлик уруш бошланганинг ўн икки йиллиги муносабати билан Грузия бош вазири мамлакатнинг НАТОга аъзо бўлиш нияти борлигини айтган эди. "Биз стратегик йўналишлар бўйича ҳамкорликни чуқурлаштиряпмиз – бу НАТО, АҚШ ва Европа Иттифоқи. Бугун Грузия НАТОга аъзо бўлишга тўлиқ тайёр", – деган эди ўшанда бош вазир Георгий Гахария.

## АЛИШЕР УСМОНОВ КУЧЛИЛАР САФИДА

Forbes журнали 2020 йилда бойлиги энг кўп ўсган россиялик миллиардерларнинг рейтингини тузди.

Рейтингнинг биринчи ўрнидан сенатор Сулаймон Керимов жой олди. У бир йилда 11,5 миллиард АҚШ долларига бойиган. Унинг бойлиги ўсишига олтин нархининг йил давомида юқорилаши сабаб бўлди. Ҳозирда Керимов ва унинг оиласининг бойлиги 20,9 миллиард АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Иккинчи ўринни "NLМК" ҳамраиси Владимир Лисин эгаллади. Йил давомида унинг бойлиги 5,4 миллиард долларга ўсиб, 26,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Лисиннинг бойлиги ортишига пўлат нархларининг кўтарилиши сабаб бўлган.

Учинчи ўрин USM Holdings ҳаммуассиси Алишер Усмоновга насиб этди. Бир йил ичида у 3,6 миллиард АҚШ долларига бойиди ва ҳозир унинг бойлиги 16,1 миллиард долларга баҳоланмоқда. Рўйхатнинг бошқа аъзолари сингари, Алишер Усмоновга ҳам металлургия маҳсулотларининг нархи кўтарилиши ёрдам берган.

Қайд этилишича, бойлиги 2020 йилда энг кўп ўсган ўрта рус миллиардерларининг бойликлари жами 33 миллиард АҚШ долларига ўсган.



## Жанубий Корея: МУСУЛМОН АСКАРЛАРГА ҲАЛОЛ ТАОМЛАР БЕРИЛАДИ

Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги маълумотларига кўра, 2021 йилдан армияда вегетарианлар ва мусулмонлар учун махсус тузилган гўштсиз ҳамда ҳалол таомлар жорий этилмоқда, деб хабар берди YonHap News агентлиги.



Вазирлик маълумотларига кўра, 2021 йил февралдан бошлаб мудатли ҳарбий хизматга қақирилувчилар тиббий кўрикдан ўтаётганда вегетариан ёки мусулмон эканлиги аниқлаб олинади. Хизматга қақирилувчилар томонидан тўлдирилаётган анкеталарга махсус иккита устун киритилган бўлиб, корейс ва инглиз тилларида "вегетариан" ёки "мусулмон" деб ёзиб қўйилади. Бундай шахсий маълумотлар қақирилувчилар хизмат қиладиган ҳарбий қисмларга юборилади. Ҳарбий қисмларда вегетариан ва мусулмон аскарлар учун мунтазам равишда парҳез ва ҳалол таомлар тақдим этилади. "Келгуси йилда вегетариан ва мусулмон аскарлар сонини аниқлашимиз билан биз индивидуал менюларни ишлаб чиқамиз", деган ҳарбийлар вакили.

## ХИТОЙ АҚШДАН ЎЗИБ КЕТИШИ МУМКИН

Британияда жойлашган Иқтисод ва бизнес тадқиқотлари маркази (CEBR) ҳулосасига кўра, Хитой иқтисодиёти аввал таҳмин қилинганидан беш йил аввал – 2028 йилда АҚШдан ўзиб кетиб, дунё бўйича биринчи ўринга чиқиб олади. Бу ҳақда "Би-би-си" хабар бермоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, Хитойнинг биринчиликка эришишига унинг коронавирус пандемиясига қарши самарали кураши замин яратади. Хитой корона вирусга ҳаммадан аввал дуч келган бўлса-да, қатъий ва тезкор чоралар ёрдамида эпидемияни назоратта олишининг улдасидан чиқди, Европани фалажлаган ва иқтисодиётига катта зарар етказган қўшимча локдаунларга бу ерда ҳожат бўлмади. Натижада Пекин жорий йилда иқтисодий пасайишнинг олдини олди, ҳатто мамлакат иқтисодиётида икки фоизлик ўсиш қайд этилди.

Шунингдек, Иқтисод ва бизнес тадқиқотлари маркази Ҳиндистоннинг 2030 йилда иқтисодий кўрсаткичлар бўйича дунёда учинчи ўринга чиқишини таҳмин қилмоқда.

Интернет материаллари асосида У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Рамендра КУМАР,  
хинд адиби

(Ҳикоя)



# КЕЛАСИЗМИ, ҚОРБОВО?

“  
Жо гармоникани қўлига олиб, машхур “Жингл беллс” (“Кўнғироқ куйи”) мусиқасини чалди. Ёқимли оҳанглар бутун уйни чулғаб олди. Жо ижрони тугатиши билан Тина ҳайрат ичра қарсак чалди. Йигит қизалоққа ўзи билган яна бир нечта куйни чалди. Диванда ўтирган қизалоқнинг кўзлари юмилди.”

Янги йил байрами арафасида кўшиси Питер Жога пул ишлаб олишининг ажойиб йўлини ўргатди. Қорбобо либосида бозорга бориб, ўтган-қайтгани байрам билан табриклаб, хурсанд қилишни маслаҳат берди. Жо унга кулоқ солди. У болаларни жонидан ортиқ кўрарди. Кун бўйи жужуқлар билан гурунглашиб, шоколаду табриқномалар тарқатди. Кечкурун дўкон бошқарувчиси Жога икки юз рупия узатди. Йигит кувониб уйига қайтганида ҳам Қорбобо либосида эди. Кутилмаганда янраган машина сигнали унинг ширин хаёлларини учириб юборди. Жо шошиб йўл четига ўтди. У рулдаги одамни таниди. Бу уч юлдузли “Жаннат” меҳмонхонасининг соҳиби Билл Даниел эди. Ёнидаги эса рафиқаси Сара. Жо меҳмонхонадан ҳайдагани учун Даниелдан аламзада эди ва шу тобда дафъатан миясига мудҳиш фикр келди. У Даниелнинг уйини тунашга қарор қилди. Жо уй атрофини айланиб, ичкарига кириш учун йўл излади. Ниҳоят, уйнинг орқа томонидаги деразага кўзи тушди. У ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам панжара билан тўсилмагани, бироқ берк эди. Жо чўнтагидаги отворкасини олиб кулфни очди-ю ичкарига кириб атрофни синчиклади. Чиройли жиҳозланган хона бурчагида ясалган арча турар, чироқлари турфа хил рангда жилоланарди.

– Эрта келибсиз-да, – деган ёқимли овоз эшитилди. Жо ортига ўгирилди-ю пуштиранг пижамга кийган беш-олти яшар ширингина қизалоққа кўзи тушди.

– Ойим сизни кечкурун ўн

иккидан кейин келади, деб айтганди.

– Мен... мен... – Жо дудуқланганидан сўзломмай қолди.

– Ахир Қорбобо тун ярмидан оққанда келади-ку? Жо қизалоқ уни Қорбобо деб ўйлаётганини тушунди.

– Исминг нима? – деб сўради у ниҳоят.

– Тина.

– Ота-онанг қани?

– Улар клубга кетишди, кеч қайтишди. Совғам қани? – сўради Тина кўзлари чақнаб.

– Совға? – довдираб қолди Жо.

У кўлини чўнтагига солди. Бармоқлари қаттиғу совуқ бир буюмга тегиб кетди. Бу йигитнинг ҳамроҳи – гармоника эди. У иккиланмай жондан азиз буюмини қизчага узатди.

– Бу нима? – сўради Тина ҳайратланиб.

– Мусиқа асбоби.

– У қандай чалинади?

Жо гармоникани кўлига олиб, машхур “Жингл беллс” (“Кўнғироқ куйи”) мусиқасини чалди. Ёқимли оҳанглар бутун уйни чулғаб олди. Жо ижрони тугатиши билан Тина ҳайрат ичра қарсак чалди. Йигит қизалоққа ўзи билган яна бир нечта куйни чалди. Диванда ўтирган қизалоқнинг кўзлари юмилди. Жо қочиб қолиш фурсати етганини тушунди. У ўрнидан тургани ҳамон Тина кўзини очди.

– Кетяпсизми?

– Мен... мен... – Жонинг тили айланмай қолди.

– Илтимос, мени ташлаб кетманг, Қорбобо. Мен билан ўйнанг. Ота-онам доим банд. Уларнинг мен билан ўтказадиган вақти йўқ. Бир ўзим телевизор кўриб, ўйинчоқларимни ўйнаб ўтираман. Илтимос кетманг!

Тина изиллаб йиғлай

бошлади. Жонинг ҳам кўзига ёш қуйилди. У Тина ухлаганидан кейин кетмоқчи бўлди, бироқ қизалоқни ухлатаман, деб ўзи ҳам пинакка кетибди.

– Кимсан? – деган овоздан чўчиб ўйфонган Жо қаршисида Даниелу Сарани кўрди. Тўхта, тўхта, сен, мен меҳмонхонадан ҳайдалган ўғрисан! Шундайми? – деди Даниел унга қаҳр билан тикилиб.

Жо унинг кўзига қаролмай бошини эгди. Бу пайтда Тина ҳам ўйфонган эди.

– Дада, ўғримас, менинг дўстим Қорбобо!

– Йўқ, бу Қорбобо ниқобидаги ярамас ўғри! У уйни ўмариш учун келган. Шошмай тур, сенга ёш болани алдаш қандай бўлишини кўрсатиб қўяман!

– Дада, у мени алдамади. Мана бунга совға қилди.

– Жим бўл, Тина! Катталарнинг ишига бурун сўқмай тезда хонанга бор! – ўшқирди Сара.

Кўзига ёш тирқираган қизалоқ сувга тушган мушукчадай бўшашиб хонаси томон одимлади.

– Уйингизга ўғрилиққа тушганим рост, бундан бўйин товламайман. Ушанда ҳам мажбур бўлмаганимда, меҳмонхонангиздаги хасга ҳам кўз олайтирмасдим. Бемор онамни даволатгани пул керак эди. Бугун эса ўша кун сиз сабабини сўраб ўтирмасдан мени кўчага отганингизнинг аламини олмоқчи эдим, бироқ уйингизга ўғрилиққа тушиб, шуни билдимки, жиноятим сизникига қараганда анча енгилроқ экан.

– Нималар деб валдираясан, аҳмоқ? – деб бақирди Даниел.

– Уйингизга ўғрилиққа тушиб, ёлғизу маънос қизалоқни учратдим. Ўғрилиқ қилгани

етарлича вақтиму имкониятим бўлса-да, ҳеч нимага теғмадим. Фақат Тинанинг ёлғизлигини ўғирладим, холос. Қизалоқнинг беғуборлиги ичимдаги шайтонни мағлуб қилди.

– Учир овозингни! – деди Даниел.

– Сиздайин бой одамларнинг боласи камбағалнинг боласидан бадбахтрроқ. Наҳот шуни сезмайсиз?

– Қандай бемаънилиқ! Унда ҳар бир бола орзу қиладиган ҳамма нарса бор. Қандай ҳаддинг сизга бундай дегани!

– Сизга раҳимим келади, жаноб. Чунки менданам бахтсизроқсиз.

– Ҳой муттаҳам, оғзинг-га қараб гапир!

– Жаноб Даниел, уйингиздаги катта хазинангиз болангизнинг муҳаббатини қадрламай, клублару меҳмонхоналарда санғиб юрибсиз. Даниелнинг юзи қизариб кетди.

– Ҳозироқ полиция чақираман!

– Унинг кетишига ижозат беринг, – деди Сара овози титраб.

– Эсинг жойидами? – ўшқирди Даниел рафиқасига.

– У ҳақ! Гуноҳимиз униқидан анча оғирроқ, дадаси... – Кетишинг мумкин, – деди Даниел бошини эгиб.

Жо кетишга чоғланганда, Тина хонасидан отилиб чиқди.

– Яна келасизми, Қорбобо? – сўради қизалоқ кўзлари жавдираб.

Жо унинг кўлига гармоникани тутқазди-ю пешонасидан ўлди, сўнг ҳеч нарса демай уйдан чиқиб кетди.

Инглиз тилидан  
Феруз ЗИЁДУЛЛАЕВ  
таржимаси

Мана, 2020 йил ҳам ниҳояланиб, 2021 йил эшик қоқиб турибди. Шундай ҳаяжонли ва шукуҳли онларда "Xabar" газетаси жамоаси сиз азиз мухлисларимизни байрам билан муборакбод этиб, ўзбек санъати даргалари номидан барчангизга энг эзгу тилақларини билдириб қолади.



ҲАР ҚАНДАЙ КУНДА РУҲАН ЯҚИН  
БЎЛАЙЛИК

**Гавҳар ЗОКИРОВА,**  
Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти:

– Халқимизни келаётган янги йил билан табриклайман. Илоҳим, янги – 2021 йил соғлиқ, тинчлик, тотувлик олиб келсин. Биламизки, ўтиб бораётган йил халқимиз, бутун дунё учун оғир йил бўлди. Инсоният бошига балодек ёпирилган бу пандемия ҳаммани жиддий синавдан ўтказди.

Албатта, ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон томони бор. Айтиш керакки, шундай синовли кунларда одамларимиз бир-бирига руҳан яқин бўлишди, бир-бирини қўллаб-қувватлашди. Ҳар дақиқа йўқотиш мумкинлигини, инсон омонат эканлигини янада ҳис қилишди.

Шу ўринда бир ибратли ҳикмат ёдига тушди. Биров уч кишидан "Агар уч кун умринг қолган бўлса, нима қилардинг?", деб сўраса, биринчиси "Ота-онамни йўқлардим, меҳрига тўярдим", бошқаси, "Менинг қарзим бор, ўшани узишга ҳаракат қилардим", учинчиси эса "Етим-есирларга саховат қилардим", деб жавоб беришди.

Шунда ҳалиги савол берган киши "Уч кун умрларинг қолган деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Инсон омонат, жон омонат. Кўз очиб юмгунча жон чиқиб кетиши мумкин. Кўнглиларингда нима ният, нима амал бўлса, ҳозироқ, шу оннинг ўзида қилинлар", деган экан.

Даҳшатли касаллик жуда кўп яхши инсонларни орамиздан олиб кетди. Уларнинг баъзилари катта, баъзилари ёш эди. Мана шу бало бир-биримизга янада ғамхўрлик қилишни, оқибатли бўлишни, қадрлашни ўргатди. Оқибатимиз йўқолмасин, Янги йил янги ришталар олиб келсин. Кимки қандай эзгу ниятда юрган бўлса, ижобатини берсин. Сеган ишини, яхши кўрган касбини топсин (ярим бахт мана шунга боғлиқ, албатта). Ўзини тушунадиган, қалбан яқин бўлган "иккинчи палла"сини топсин.

Яқинда Тоғай Мурод асарларининг бирда ажойиб бир жумлага кўзим тушди. Аввал ҳеч эшитмаган эканман. Унда бир образ "Тапирсам, мени оғзи билан эшитди" деб айтади. Илоҳим, оғзимиз эмас, қулоғимиз билан эшитишга амал қилайлик ва кўлимиздан келганча одамларга ёрдам берайлик. Янги йил ҳаммага муборак бўлсин!

# ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН, ЯНГИ ЙИЛ!



ЯНГИ ЙИЛ СИҲАТ-САЛОМАТЛИК  
ЙИЛИ БЎЛСИН!

**Бахтиёр ИХТИЁРОВ,**  
Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон давлат сатира театри фахрийси:

– Кириб келаётган янги 2021 йил билан ҳаммани, халқимизни, мусофир юртда юрган ватандошларимизни чин юракдан табриклайман. Янги йил сиҳат-саломатлик, оилавий бахт олиб келсин. Мана шундай синовли кунларда руҳан янада меҳр-оқибатли, севги-муҳаббатли бўлайлик. Ана шундагина бугунги оғир кунларни энгиб ўтишимиз мумкин. Албатта, 2020 йил инсоният бошига катта синов билан келди. Кўзга кўринмас офат қанчадан қанча инсонларни, ҳамкасбларимизни сафимиздан олиб кетди. Илоҳим уларнинг охиратлари обод бўлсин.

Келаётган йилимиз ушбу балога даво олиб келсин. Дардмандлар шифо-комил топишсин. Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз доим тўлиқ бўлсин. Халқимиз ўйлаган орзуларига, ниятларига етишсин. Яна бир марта Янги йилингиз билан, азиз ватандошлар!



ЯНГИ АСАРЛАР, СПЕКТАКЛАР,  
КИНОЛАР ЯРАТИЛСИН

**Маяссар РАЗЗОҚОВА,**  
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистон давлат консерваторияси "Академик хонандлик ва опера тийёрлови" кафедраси мудири:

– Кириб келаётган 2021 йил ҳаммамизга тинчлик-осойишталик, бахт-омад, саломатлик йили бўлсин. Чунки 2020 йил синовли, оғир йил бўлди. Албатта, ютуқларга ҳам эришдик, бироқ пандемия олдимизга кўйган қанчадан-қанча мақсад ва режаларимизни бузди. Одамлар бошига синовли кунларни олиб келди. Бу кунлар ҳаётимизда тубдан ўзгартиш яратди, десак ҳам муболага бўлмайди. Чунки кўп яхши инсонларни бериб қўйдик. Тилагим, бу офат эски йилда қолиб кетсин-у, ҳеч қачон қайтиб келмасин. Ҳаётимизда, ижодимизда асло қора кунлар бўлмасин. 2021 йил ҳаётимизга, санъатимизга янада ривожлар олиб келсин. Янгидан-янги асарлар, спектакллар, кинолар яратилсин.

Янги йил халқимиз учун соғлиқ-саломатлик, тинчлик, янгиликлар, ютуқлар йили бўлиб келсин. Санъат аҳлига ижодий муваффақиятлар, узоқ умр тилайман. Барча юртдошларимизни келаётган Янги – 2021 йил билан қутлаб қоламан!



ҲАММА ЎЙЛАГАН  
ОРЗУ-НИЯТЛАРИГА ЕТСИН!

**Мансуржон ТОШМАТОВ,**  
Ўзбекистон давлат филармонияси Б.Зокиров номидаги эстрада-симфоник оркестри бадий раҳбари:

– "Янги йилни қандай кутиб олсанг, йил давоми ҳам шу зайилда кетади" деган сўзни эшитсам, бунинг ростлигини инкор қилмайман. Эсимда, шундай байрамларнинг бирида ишдаги ёрданчилик билан чорраҳада ушланиб қолдик. Светофор чироқлари, кўчаларни ёритиб турган безакларни томоша қилиб турар эканмиз Янги йил кириб келганини билиб бир-биримизни табрикладик. Хуллас, Янги йилни йўлда кутиб олдик. Ҳеч ёдидан чиқмайди, ўша йилни кўп вақтимиз йўлда ўтган. Ҳаммага Янги йил айёмини оиласи бағрида, сиҳат-саломатликда кутиб олишни тилайман.

Кириб келаётган йилда ҳамма ўйлаган орзу-ниятларига етсин. Аминманки, кўпчилик бугунги кунда кўзга кўринмас ёв – пандемиянинг тезроқ йўқолишини орзу қилапти. Илоҳим, шундай бўлсин.

Сиҳат-саломатлик ҳаммага ёр бўлсин. Энг катта бойлигимиз, саломатлигимизни асрайлик! Халқимизга бутун соф ва эзгу тилақларимни тилаб қоламан. Янги йил давомида тинчлик, саломатлик ҳар биримизга йўлдош юрсин.

# СЕҲРЛИ БАЙРАМДА СИРЛИ СОВГАЛАР

**Янги йил байрами яқинлашмоқда, ўйинчоқ дўкони эса кундан-кунга гавжумлашмоқда. Кимдир янги йилга боласига нима беришни аллақачон ҳал қилиб бўлган, бошқалар эса совга олишга боши қотган. Совга излаш учун вақтингизни кетказмаслик мақсадида бир нечта маслаҳатларни тайёрладик.**

Авалло совга танлашда ўз хоҳишингизга эмас, балки боланинг хоҳишига эътибор беринг. Агар сизга муסיқа чаладиган машина ёқсаю бола "Ургимчак одам" филмидаги қаҳрамонлар тўпланини орзу қилган бўлса, унда сизнинг совганиз фақат болани хафа қилиши мумкин. Боланинг севимли машғулотлари борми? У бирор нарса коллекция қилишга қизиқадими ёки у ижодқорми? Шунинг учун совга танлашда унинг севимли машғулотлари билан боғлиқ нарсаларни сотиб олинг.

## Кичкинтойлар учун совгалар

Кичкинтойлар учун совгани танлаш қийин эмас. Агар сиз бир ёшга тўлмаган болага совга қилишни режалаштирмоқчи бўлсангиз, у ҳолда сиз чақалоқ учун фойдали бўладиган ва онасига ҳаётни энгиллаштирадиган фойдали нарсани олишингиз мумкин. Масалан, гўдаклар учун стул, чақалоқни ётқизиш учун электрон беланчак. Шунингдек, пирамидалар, муסיқий ўйинчоқлар бир ёшга тўлмаган болага яхши совга бўлади. Бир ёшдан уч ёшгача бўлган болалар ҳар қандай ўйинчоқдан мамнун бўлишади. Масалан катта қисмлардан иборат конструкторлар, ўйинчоқ муסיқа асбоблари, машиналар, кўғирчоқлар...

## Мактабгача ёшдаги болалар учун

Бу ёшдаги болалар қорбобого ишонишади ва кунт билан унга хат ёзадилар. Психологларнинг фикрига кўра, 3-6 ёшида болалар отоналарига фаол тақдид қилишни бошлайдилар. Улар учун касбга оид ўйинчоқ тўпламлари (шифокор, полициячи, сартарош ва бошқалар), идишлар ёки асбоблар тўпламлари энг яхши ҳаёда ҳисобланади. Шунингдек, бу ёшда болаларнинг севимли мулфилм қаҳрамонлари борлигини ҳам унутманг.

## Бошланғич синф ўқувчиларига...

Бу вақт аксарият болалар қорбобонинг ҳақиқатан ҳам борлигига биринчи марта шубҳа қилишлари мумкин бўлган пайт. Шунинг учун

уларга совгани ҳеч қандай мактубларсиз тайёрланг. Бошқариладиган ўйинчоқлар (автомобиллар, вертолётлар, мураккаб конструкторлар (масалан, тематик лево тўпламлари), стол ўйинлари, тажрибалар ўтказиш учун тўпламлар, косметик воситалар тўпламлари, ақлли соат шулар жумласидан.

## Ўсмирлар учун янги йил совгалари

Янги йил сюрпризларини танлашда ўспиринлик энг қийин, аммо, ўтиш давридаги қийинчиликларга қарамай, ўспиринлар ҳам Янги йил байрамида гайриоддий ва ажойиб нарсаларни кутмоқдалар. Бу ёшдаги болалар учун энг хавфсиз вариант замонавий гаджетлар бўлади - ақлли соат ёки фитнес билагузук, янги смартфон ёки планшет. Совганинг янада арзон вариантлари қуйидагилардан иборат - замонавий кийим ва аксессуарлар (аммо бу ҳолда танлов билан хато қилиш ва боланинг дидини тахмин қилмаслик хавфи жуда катта) севимли машғулотларига мос совга (тажрибалар тўпламлари — кашфиёт учун, янги ажойиб форма - футболчилар учун).

Агар сиз ўспирин учун янаям гайройиб совга бермоқчи бўлсангиз бир нечта одам учун аквапаркга таклифнома олишингиз ҳам мумкин.

## Қизлар учун...

Қизларга совга танлашда кўғирчоқлар ва юмшоқ ўйинчоқлар билан чекланиб қолиш зарур эмас. Уларнинг ҳам севимли машғулотлари бор. Кўғирчоқлар учун уйлар ва мебеллар, шифокор, сотувчи, сартарош касбларига оид ўйинчоқ тўпламлари, уй бекаси ўйинчоқлари - идиш-товок, кир ювиш машинаси, дазмол, печка, тикув машинаси, ўйинчоқ безаклари, косметик сумкалар, моделлаштириш, чизиш, каштачилик, мунчоқдан ясалган буюмлар учун тўпламлар, замонавий сумка ва улар учун замонавий гаджетлар ёки аксессуарлар қизларнингизни албатта хурсанд қилади.

Янги йил учун ширин совгалар Ширинликлар азалдан қорбобонинг анъанавий совга-

си бўлиб келган. Аммо сиз болада аллергия йўқлигига ва унинг ота-онаси шоколад, конфет ва бошқа ширинликларни истеъмол қилишга рухсат беришига ишонч ҳосил қилган тақдирдагина совга сотиб олишингиз мумкин. Акс ҳолда, энг чиройли қутидоги катта ширинликлар тўплани ҳам кўнгилисизликларни келтириб чиқариши мумкин. Агар ширинликлар учун моънелик бўлмаса, тайёр совга сотиб олманг, балки ўзингиз тўпланг. Янги йил қадоқларини сотиб олиш ва болага чиндан ҳам ёқадиган ширинликларни танлаш кифоя.

## Совгаларни қандай бериш керак?

Оддий ва анъанавий усул - қорбобонимдан совгаларни арча остида қолдириш. Йилнинг биринчи тонгида фарзандингиз мўъжиза ҳисси билан уйғонади, чунки уни сеҳрлар томонидан ёқимли ҳодисалар кутиб туради. Болаларнинг ҳайратга тушган ва бахтли бўлган бу онлари байрамнинг энг ёрқин дақиқаларидан биридир. Аммо агар бола аллақачон қорбобого ишонмай қўйган бўлса, сиз совгаларни топиш учун изланишлар ёрдамида байрамона кайфиятни яратишингиз мумкин. Масалан, уйингиз харитасини тузинг ва унда совгалар яширилдиган жойларни белгиланг, маслаҳатлар билан бир қатор ёзувларни тайёрланг, уларнинг ҳар бири болани катта мақсад ва янги йил совғаси кутаётган жойга яқинлаштиради. Эсингизда бўлсин - боланинг кайфияти ва таассуротлари катталар байрамни қай даражада тайёрлаши ва ташкил этишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун, болаларга мўъжизага ишонидан тўхтамасликлари учун, уларга қалбингиз билан совгаларни танланг ва сеҳрли, мўъжизакор муҳит яратинг!

Барно СУЛТОНОВА тайёрлади

Тушкун кайфият байрамни бузади. У ҳеч қачон, ҳеч кимга ярашмайди. Бирок орамизда шундай кимсалар ҳам учраб туради. Ўзи тушкун кайфият инсон саломатлигига қандай таъсир қилади? Байрамда кайфиятни кўтариб юриш ва атрофдагиларга хушкайфият улашиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Тушкун кайфият нафақат инсоннинг ташқи кўриниши, балки руҳияти ва фаолиятида ҳам акс этади. Унинг соғлиқа ҳам таъсири бор. Бундай кайфият тўфайли қон босими кўтарилиб, қандли диабет, юрак, асаб ва ҳаттоки ошқозон касалликларини ҳам орттириб олиш мумкин.

Одам қувонса, танада эндорфин гормони ошиб, вужуд ёшаради, турли касалликларнинг олди олинади. Қуйида кайфиятни кўтаришга ёрдам берадиган усуллар ҳақида гаплашамиз:

## АЙЁМГА ФАҚАТ ХУРСАНДЧИЛИК ЯРАШАДИ

Авалло, ҳар доим сизда яхши кайфият бўлиши учун ўзингизни бошқаришни ўрганинг. Ҳар нарсага хафа бўлаверманг. Яқинларингиздан араз қилиб ўтириш ярамайди - уларни кечирини ўрганинг. Кечирини - биринчи ўринда ўз қалбингизга залал ва ўзингизга руҳий азоб бермасликнинг бир йўли ҳисобланади.

Кайфиятингиз йўқми? Уни кўтариш мевалар истеъмол қилинг. Уларга мандарин, апельсин, хурмо, лимон кирди. Бергамотли чой ичинг. Булар таркибида эфир ёғи бўлиб, кайфият кўтарилишига ёрдам беради.

Шоколад ҳам кенг танилган антидепрессант саналади. Шу боис, ҳатто, сиз тўғри овқатланишга амал қилсангиз ҳам, хайрли мақсадда ўзингизга озроқ шоколад тановулини раво кўринг. Шоколаднинг позитив таъсирини чой ёки қаҳва билан ҳам тўлдирингиз мумкин.

Салбий ҳиссиётни енгишингиз яна бир йўли - уларни қоғозда акс эттириш бўлиб, бунинг учун негатив ҳиссиётлар манбасини аниқлашга урининг ва бунинг расмини чизинг (масалан, баджаҳл амаки - раҳбарингиз кўринишида) ёки сизда ёмон кайфият уйғотувчи нарсаларни чизинг (қора булут ёхуд ёмғир). Чизиш жараёни сизни чалғитади, меҳнатингиз самараси эса анча кайфиятингизни кўтаради.

Муסיқа эшитиш ҳам кайфиятни яхшилашингизни сигналган усули бўлиб, севимли кўшиқ, ҳатто, агар у ғамгин бўлса ҳам, руҳиятдан негативликни чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, яхши фикрлар учун ақлни бўшатади. Шундай экан, кайфиятингиз тушиб кетдими, ёқтирган муסיқангизни баланд қўйинг ва бирга айтинг, хоҳласангиз рақсга тушинг.


Кайфиятни кўтаришнинг энг фойдали ва айна пайтда энг осон усули - қариндошлар билан мулоқотда бўлиш. Бундай пайтда опангиз ёки онангизга кўнгироқ қилинг ёки меҳмонга боринг. Дўстларингиз ва қариндошларингиз ҳар доим кайфиятингизни кўтаришга уринишда ёки ҳеч бўлмаганда ёқимли суҳбат давомида муаммоларингизни қисман унутишга кўмаклашади.

Атрофингиздагиларни кадрланг, бир-бирингизга меҳрли бўлинг, қўлингиздан келса, яхшилик қилинг, ғийбатдан тилингни тийинг. Ҳаётдан завқ олинг, энг муҳими, инсон бўлинг. Шундай инсон бўлинки, ҳаммага яхши кайфият улаша олинг... Сиз борган жойда кўтаринки кайфият ҳамisha сезилиб турсин... Ҳаёт жуда қисқа ҳеч кимни норози қилманг, кўнглига озор етказманг!!!

Келаётган 365 кун ўтган ҳамма кунлардан яхши бўлсин! Янги 12 ой умид ва ишонч, ҳар янги дақиқа эса қувонч ва шодликлар келтирсин. Байрамнингиз билан, азизларим!

Дилором САГДУЛЛАЕВА, психолог





Агар сизга озорберган инсонларга ҳали ҳам салом бера олсангиз, бу виждонингизнинг садақасидир.

Жалолиддин Румий

## ИБРАТ

### ЭНГ АҲМОҚ НИШИ УЧУН ҲАССА

Бир кунни Ҳорун ар-Рашид Баҳлул деган девонага ўз ҳассасини совға қиларкан, дедди:

- Тақсир, шу ҳасса сизга, уни ўзингиздан ҳам тёлбароқ бир кишини кўрсангиз совға қилиб юборарсиз.

...Ҳорун ар-Рашид қаттиқ касал бўлиб ётганда Баҳлулни чақиртириб, у билан суҳбатлашмоқчи бўлибди.

- Баҳлул, сафарим яқинлашди.

- Ҳа, сафаргами, хизматкорларингни сафаргоҳга жўнатдингми? Боришинга гўзал жойларни муҳайё қилиб туришибдими?

- Йўқ, улар бормайдиган жойга кетяпман.

- Сенга турли ноз-неъматлар тайёрлаб берадиган ошпазларинг-чи? Улар ҳам боришадими?

- Йўқ, охират сафарига кетяпман. Ҳеч кимни олиб кетолмайман...

- Ҳа, унда ҳалиги ҳассангни ўзинга совға қилсам. Дунёдаги бир сафар учун неча кишини овора қилиб, тайёргарлик кўргангизни биламан-у абадий охират сафарига тайёргарлик кўргангизни билмадим. Энг аҳмоқ одам сен экансан...



# "ЁЛҒИЗЛИК ҚАЛЪАСИ"

## Ўзимизни электрон мосламалардан узоқлаштиришни ўрганамиз

Ҳозирда, интернет иш ва ижтимоий муносабатларда асосий вазифани бажармоқда. Бироқ виртуал ҳаётингиз реал ҳаётингизга салбий таъсир ўтказаятган бўлиши ҳам мумкин. Агар ижтимоий тармоқ, хабар алмашиш ва турли хил электрон қурилмалардан фойдаланишни чекламоқчи бўлсангиз, қуйидаги маслаҳатларимиз сизга қўл келиши мумкин.

### Уйдаги муҳитни яратиш

1. Компютерингизни иш учун мосланган хонада ёки офисингизда қолдириш. Ётоқхона ва уйдаги бошқа хоналар электрон мосламалардан ҳоли бўлиши керак.

2. Қувватлаш мосламаларини ҳам иш учун мўлжалланган хонада қолдириш. Агар бирор-бир қурилмани қувватламоқчи бўлсангиз, бу ишни ҳам айнан шу хонада бажаринг. Чунки қувватлагичдан чиқаётган паст товушлар ҳам дам олишингизга халал бериши мумкин.

3. Ётоғингизда электрон буюмлар сонини қисқартириш. Хонага телефон, планшет ёки телевизор каби буюмларни олиб кирманг. Ушбу қурилмалар экранни кўк нур тарқатади ва бу ухлашингизга таъсир қилиши мумкин. Аксарият одамлар бундай қурилмалардан кўп фойдаланганлари сабабли тўйиб ухлай олмайдилар.

4. Бўш иш кунингизда будилникни ўчириб қўйинг. Агар тўйиб ухламаган бўлсангиз, интернет учун сарфлайдиган бир неча соат вақтингизни дам олишга ажратинг.

Катта ёшли одамлар кунига 7-8 соат ухласа, асабий ҳолатлардан узоқ бўладилар ва ўзларини тетик ҳис қиладилар. Тўйиб ухламаслик инсонларда асабийлик ва иштиёқсизликка сабаб бўлади.

5. Интернетдан 30-60 дақиқа фойдаланганингизда сизни оғохлантирадиган таймер юклаб олинг. Чунки интернетдан фойдаланётганингизда вақт тез ўтиб кетганини сезмай қоласиз.

### Шунингдек:

■ Тез-тез душ қабул қилинг. Бу сизни тетиклантиришга ёрдам беради. Шунингдек, китоб, газета ва журналлар ўқинг.

■ Дўстларингиз билан учрашинг ва улар билан вақтни бирга ўтказинг. Агар кўришининг иложи бўлмаса, уларга кўнроқ қилинг. Аммо ижтимоий тармоқларда хабар алмашманг.

■ Саёҳат қилинг. Шаҳар ёки шаҳар атрофида сайр қилинг. Табиат кўйида сайр қилиш аслида муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини яхшилаб, мияни тинчлантиришга ёрдам беради. Сайр пайтида телефондан фойдаланманг.

■ Спорт билан шуғулланинг ёки спорт мусобақаларида иштирок этинг.

■ "Ёлғизлик қалъаси"ни яратинг. Ҳафтада бир кунни танлаб шу кунда ҳеч қандай электрон қурилмадан фойдаланманг ва бу ҳақида оила аъзоларингиз ва дўстларингизни оғохлантинг. Китоб ўқинг ёки бирор хунармандчилик тури билан шуғулланг.

■ Агар хоббингиз бўлса, унга ҳар кунни бироз вақт ажратинг. Агар ёқтирган машғулотиңиз бўлмаса, ўзингизга мос бирор машғулоти ўйлаб топинг.

■ Ҳар йили камиди икки ҳафталик таътилга чиқинг ва буни олдиндан режалаштириб қўйинг. Таътилда бирор жойга бориб ҳордиқ чиқариш шарт эмас. Шунчаки, уйда ҳам мароқли дам олса бўлади.

## ПАЗАНДА



### БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Янги йил байрамида барчанинг дастурхони тўкин-сочин бўлади. Тиниб-тинчимас уй бекаларимиз бир-бирдан маза-ли таомлар тайёрлаб чарчамайдилар. Бугун биргаликда байрам дастурхони учун "Черри" салатини тайёрлаймиз.

#### Керакли маҳсулотлар:

- Мол гўшти - 150 г.
- Черри помидори - 5 дона
- Бедана тухуми - 4 дона
- "Салат барги" (таъбга кўра)
- Зайтун ёғи - 1 чойқошиқ
- Сирка - 1 чойқошиқ
- Саримсоқ пивз - 1 дона
- Туз (таъбга кўра)
- Қора мурч (таъбга кўра)

#### Тайёрланиши:

Пиширилган мол гўштини сомонча шаклида тўғраймиз. "Салат барги"ни қўлда узиб-узиб оламиз. Салат қайласи учун зайтун ёғига сирка, туз, қора мурчни таъбга кўра солиб, унга эзилган саримсоқ пивзни қўшамиз ва барчасини аралаштирамиз. Тўғралган гўштни ва "Салат барги"ни тайёрлаб олган қайла-миз билан аралаштирамиз. Пиширилган бедана тухуми ва черри помидорларини икки бўлакка бўлиб оламиз. Ликопка қайла-ли кўкат ва гўшт аралашмасини солиб, устига тухум ва помидорларни териб чиқамиз.

## ХАНДА

- Ҳа, Эшмат, глобус кўтариб олибсан?
- Байрамга хотинимга совға қилмоқчиман.
- Хотининг ўқитувчи эмасидику.
- Ҳа, ўқитувчи бўлмаса ҳам менинг даяримда бир дунёни кўрсин.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"ЭМММ" ДУК Сирдарё вилояти электромагнит мослашув хизмати жамоаси корхонанинг биринчи тоифали муҳандиси Эркин МАСАЙТОВни муборак 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий тинчлик, фарзандлар камолини кўриб юришини тилайди!

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ!

# ЭРТНИ СОФИНИБ ЯШАЙЛИК

*Фахрийлик... унга фожидадай туюлгани рост. Ахир одам боласи қандай қилиб меҳнатсиз, тайёрига айёр бўлиб яшаши мумкин? Севган касбини ташлаб кетиш-чи, сира мумкинми ўзи?.. Шу боис тақдирга тан бериб, фахрийликка чиққач, уни "Тинчлик" маҳалла фуқаролар раислигига сайлаганида рад этолмади. Жамоага ўрганган раҳбар дарров уйда қолиб кетолмасди ҳам. Бир неча йил маҳалла аҳлини бошқарди. Аҳолининг яхши-ёмон кунларида ёнида турди, далда бўлди. Бечораларни назардан қочирмади. Адолат мезонларига қатъий риоя этди. Яна элга хизмат қилиб, кам бўлмади.*

Яқинда "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси вакиллари "Ассалому алайкум, устоз!" дея йўқлаб келишганида фидойиликда кечган ғайрат-шижоатга тўла йиллари ёдига тушди.

...Меҳнат фаолиятини 1971 йил Водил алоқа тармоғида электромонтёрликдан бошлади. Астойдил ишлаши, хушмуомалалиги билан раҳбарлар назарига тушди. Мижозларга муносабатни Аҳмаджондан ўрганиллар, дейишарди катталар. 1974 – 1979 йилларда Тошкент электралоқа институтида сиртдан таҳсил олгач, ишда ҳам, ташаббускорликда ҳам барчага ибрат намунаси бўлиб қолди.

Шунинг учун унга Фарғона тумани Водил алоқа тармоғига раҳбарлик лавозимини ишониб топширдилар. Олдин бошлиқ ўринбосари, кейин раҳбар бўлиб ишлади. 1977 йил сел келганида бир ҳафта мобайнида вилоят раҳбарлари билан алоқани тиклаш, табиий офат оқибатларини бартараф этишда жонбозлик кўрсатди. 1983 – 1994 йилларда 245 кишилиқ Водил алоқа тармоғини бошқарди.

Шундай катта жамоани бошқариш осон эмас, албатта. Лекин у барча қийинчиликларни энгиб ўтди. Ишчи-ҳодимлар бошини бирлаштира олди. Ҳар бирининг қувончу ташвишларидан бохабарлиги, айниқса, жамоага маъқул келарди. Кимгадир бир оғиз ширин сўз, кимгадир моддий кўмак керак – барини билиб турарди. Чиндан ҳам, сўз – гул, иш – мева, деганларидек, ўз вақтида айтилган сўз, қилинган эзгу амалда ҳикмат кўп экан. Қолаверса, у бошқариш илмида вилоятдаги раҳбарларидан ҳам кўп хислатларни олишга интиларди. Устозлари Абдувоҳид Жўрабоев, Фаяс Файзиев, Нўмон Каримов, Виктор Рижков, Валерий Николаевлар тутган иш тарзи унга катта мактаб бўлди. Бу беназир инсонларнинг ҳар иши, ҳар хатти-ҳаракатларида кенг дунёқараш, бемисл салоҳият мужассам эди. Ўзи ҳам улардан андоза олиб, аниқ фикрлаш, раво сўзлаш қобилиятини эгаллади. Мухими, инсонга меҳр ва ҳурмат экан. Қолгани аста-аста изга тушиб кетавераркан. Бошлиқлар эътироф этган ютуқларидан бири шу эдики, улар алоқа тармоғи деб оддийгина



аталадиган идорани маънавият ва маърифат ўчоғидай нуфузли даргоҳга айлантира олди. Одамлар кўз ўнгида почта ва телеком ходимлари ҳурмати ошиб борди. Ёш раҳбарга жамоани бу даражага етказиш энгил кечмади, лекин у нолимади. Ёшлиқнинг қудрати ҳам шунда эканки, бугунги мушкулотлар эртаси ёддан кўтарилди кетавераркан. Шоҳимардондаги "Ёш алоқачи" оромгоҳи фаолиятини йўлга қўйишдаги хизматлари билан ҳам тилга тушди. Корейнинг ДЭУ компаниясидан АТСлар келтирилган йиллардаги жонбозлиги билан яна раҳбарлар эътиборини тортиди.

Қаҳрамонимиз Аҳмаджон ака Усмоновнинг салкам 15 йил вилоят алоқа ходимлари касаба уюшмаси кўмитасига раислик қилиши ҳам, кўриб турибсизки, тасодифий эмас. Алоқа корхоналарида меҳнат шартларини имкон қадар қулай ташкил этиш, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини мунтазам ўтказиб боришни назардан қочирмади. Меҳнат низоларини доимо адолатли ҳал этди.

Аҳмаджон ака алоқа соҳаси ривожига, кўплаб алоқачиларни тарбиялашга ўз улушини қўшгани, сидқидил меҳнатлари тақдирлангани билан ҳам ҳар қанча фахрланса арзийди. 1985 йилда "Ўз касбининг устаси", 1997 йилда "Моҳир алоқачи" кўкрак нишонлари билан мукофотланди. Юқори лавозимда ишласа ҳам, камтарлиги, сира ҳаволанмаслиги билан обрў қозонган алоқачилар устаси МФИни тарк этиб ҳам, кўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Иссиҳонада иш қандайди. Лимон, помидор, бодринг

дегандай, деҳқончилик ишлари билан андармон. Ўн нафар неварига боболик юмушлари ҳам талайгина.

Усмоновлар оиласи Водилда энг намунали оилалардан ҳисобланади. Турмуш ўртоғи Ҳалима-хон шифохонада ҳамширалик қилган. Бахтиёржон хавфсизлик хизматида, Баҳождиржон "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалида бўлим бошлиғи, Хайруллажон Фарғона тумани "Сувоқова" ташкилотиди мутахассис. Садоқатхон туман болалар мусиқа ва санъат мактабиди ўқитувчи. Барчалари Усмоновлар шаънини авайлаб, ардоқлашади, гард юқтиришмайди.

**М**ана, фавқулодда мушкулотлар билан келган 2020 йил ҳам ортда қолди. Жуда кўплаб корхоналар банкротлик даражасига келди. Бироқ қаҳрамонимиз ёш ҳамкасблари, шогирдлари, телекомчилар, почтачилар тушкунликка тушмай, зиммадаги вазифаларни ёруғ юз билан адо этиб келаётир. Пандемия шариоитида ҳам даромадларни оширишга эришяпти. Кам бўлишмасин. "Ҳар куни эртани соғиниб, истиқбол учун ажойиб режалар тузиб яшанглар. Янги – 2021 йил, сиз, азизларимга янада кўплаб зафарлар олиб келсин. Болаларим, ўқинглар, ўрганинглар, дақиқа сайин билимларинг ошиб борсин. Замондан бир қадам олдинда юришлиқ, фаровонликда яшаш бахти сизларни асло тарк этмасин", – дея дуо қилади фахрий устоз.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,**  
"Xabar"нинг  
Фарғона вилоятидаги мухбири



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ:

"FON" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2019 йил 23 январда берилган АА серия 0006667 рақамли;

"ONLINE ALOQA" хусусий корхонасига (Фарғона вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2019 йил 13 августда берилган АА серия 0006869 рақамли лицензиялар юридик шахсларнинг аризаларига асосан 2020 йил 28 декабрдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 52-бандига мувофиқ "GEMSTONE TELEMEDIA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига асосан 2019 йил 13 августдаги маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига лицензия бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 205-ф-сонли қарорига асосан "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳисоб рақамига 2020 йил 24 декабрда "ALOQALOYINA" DUK томонидан 20 000,0 минг сўм, 25 декабрда "Elektromagnit moshlavuh markazi" DUK томонидан 300 000,0 минг сўм ҳамда 28 декабрда "O'zbekiston telekommunikatsiya tarmoqlarini boshqarish respublika markazi" DUK томонидан 202 063,0 минг сўм ҳомийлик пуллари келиб тушди. Мазкур маблағлар "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2021 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

"Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейи жамоаси музей директори Ўроқ Тўхтаевга онаси

**Хурмат ҒАНИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдириб, таъзия ихзор этади.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси филиал ходими **Райимжон МЎМИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.



# UZTELECOM

ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚИНИ  
ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН  
ТАБРИКЛАЙДИ.



**Xabar**

**МУАССИС:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,  
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,  
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Усможон ЙЎЛДОШЕВ (масъуд котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.  
Баҳоси келишилган нархда.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100000, Тошкент шаҳри,  
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй  
(мулжал: Олой бозори).  
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,  
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Солижон ЗОИРОВ.



**ISSN 2010-6424**

Босишга топширилди — 17.00.  
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Видеот  
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганчда (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99